

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуzuридаги  
Давлат бошқаруви академияси қошидаги  
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва  
истиқболли кадрларни тайёрлаш институти

# ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ




331.01.9.11/08  
A 50

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси қошидаги  
Ёшлил муаммоларини ўрганиш ва  
истиқболли кадрларни тайёрлаш институти

# ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ КИЛИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

(ўқув қўлланма)



«ТАФАККУР КАНОТИ»  
ТОШКЕНТ – 2020

**К.Б.Ахмеджанов, А.Х. Холов.**

Ёш раҳбар кадрларда самарали қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш. / Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти. – Т.: “Tafakkur qanoti”, 2020. 96 б.

**Тақризчилар:**

*И.И.Махмудов – психология фанлари номизоди, доцент*

*А.Умаров – иқтисодиёт фанлари номизоди, доцент*

*З.Бабакулов – PhD (юридик фанлари)*

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришининг энг мухим устувор вазифалари юзасидан Парламентта Мурожаатномасида «давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини тадбик этиш лозим» деган концептуал фикрлари асосида тайёрланган бўлиб, ёш раҳбарларда самарали қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришга доир илмий-назарий қарашлар таҳдил этилган. Шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилиш борасида кўлга киритилган сўнгги илмий-назарий маълумотлар, илмий изланишлар ҳамда хорижий мамлакатлар олимларнинг қарашлари ва назариялари тадқиқ этилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура талабаларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда унинг қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти тингловчиларига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Илмий-услубий кенгашининг 2019 йил 25 июнданги З-сон йигилиши баённомаси қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

© ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА қошидаги Ёшлар  
муаммоларини ўрганиш ва истиқболли  
кадрларни тайёрлаш институти, 2020 й.  
© «Tafakkur qanoti», 2020 й.

## КИРИШ

Мазкур ўқув қўлланмада ёш раҳбар кадрлар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнида вужудга келадиган қийинчиликлар, уларни бартараф этиш йўлларининг илмий-назарий масалалари ёритилган. Шу жумладан, бошқарувда қарор қабул қилишнинг предмети ва методлари, бошқарувда қарор қабул қилиш назариялари, бошқарув тизимида ёш раҳбар ва унга қўйилган талаблари, қарор қабул қилиш жараёни, меҳнат мотивацияси, бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, низоли вазиятларда бошқарув қарорларини қабул қилиш усуслари таҳлил этилган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Бироқ, йўлнимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ”<sup>1</sup> дея таъкидлаши, замонавий ҳар бир раҳбардан самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмасига эга бўлишни тақозо этади.

Бугунги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётимиз тез суръатлар билан жадал ўзгариб бораётган бир пайтда, давлат ва жамият бошқарувини самарали ташкил этишни жамиятдаги ўзгаришларни пайқай олаётган, ўзгаришларга мослаша оладиган, бошқарув қарорлари бўйича билимларни пухта эгаллаган, ҳамда ушбу қабул қилинган қарорларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ эта оладиган раҳбаргина таъминлай олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёш раҳбар, яъни бошқарувчи қарор қабул қилишда назарий билим ва кўникмаларга эга бўлиши муҳим.

Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун энг муҳим омиллардан бири бу ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш. Бугунги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. // “Халқ сўзи”, 2016 йил 14 декабрь.

кунгача раҳбарлар ноаниқ шароитларда ҳам бошқарув қарорларини қабул қилишган, ноаниқ шароитнинг сабаби эса кескин ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, рақобатбардош кураш ва ахборот ҳажмининг ортиши билан боғлиқ.

Ёш раҳбарларда энг мураккаб вазиятларда тўғри ва тезкор қарор қабул қилиш кўнікмасини шакллантиришда маҳсус тренинг дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу тренинглар мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ва қарор қабул қила оладиган ёшларни тарбиялаш, уларда мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятларини ривожланишишга хизмат қиласди.

“Бугунги кунда давлат хизматида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш қадрият сифатида намоён бўлмоқда. Ижро ҳокимияти органларида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш тизими мавжудлиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кафолати ҳисобланади. Бошқарув назарияси намояндалари (Ф.Тейлор, Г.Эмерсон, А.Файол, М.Вебер, Э.Мэйо, Р.Лайкерт, Г.Саймон, П.Дурукер, Э.Дейл ва бошқалар) раҳбар фаолиятини биринчи навбатда бошқарув қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлади. Бошқарув самарадорлиги кўп жиҳатдан оптималь қарор қабул қилинишига боғлиқ. Бу ўз навбатида меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва ташкилотни бошқариш жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг бутун мажмуасини ўзида ифодалайди. Бошқарув қарорлари доимо ташкилотдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ташаббускори, одатда назорат қиладиган ёки амалга оширадиган масъул бу – раҳбар шахс ҳисобланади”<sup>22</sup>.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёш раҳбарларда самарали қарор қабул қилиш кўнікмасини шакллантириш, бошқарув қарорларини қабул қилишининг замонавий усуллари ва техно-

<sup>22</sup> Холов А.Х. Мажаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил 1/2018 (№ 00033) [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

логияларининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёш раҳбар кадрларда самарали қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш учун уларда қуидаги компетенцияларни ривожлантириш лозим:

1. Раҳбар қадриятлари тизими – бу компетенция раҳбарнинг ўзишига ва ташкилотига содиклиги, ташкилот ва жамоа манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш, ташкилот ва касб ҳақида қайғуришини назарда тутади. Назаримизда, айнан шу соҳада ёш раҳбарларнинг самарали бошқарувини таъминловчи асосий салоҳият ётади.

2. Бошқарув профессионализми – вазиятни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, мақсад қўйиш, натижага эришиш йўлида фаолиятни ташкиллаштириш, қўл остидаги ходимларни мотивациялаш ва уларни назорат қилиш бўйича билимларга эга бўлиш, мақсад йўлида самарали услугуб, воситаларни қўллай олишни назарда тутади.

3. Тизимли фикрлап – вазиятни яхлит ва таркибий қисмлари билан бирга кўра олиш; маълумотни умумлаштириш қобилияти; мавжуд алоқаларни аниклаштириш қобилияти; умумий ҳодиса таркибида муҳимини ажратса олиш; маълумотни тўплаш ва катта ҳажмдаги маълумотларни тартиблай олиш қобилияти.

4. Лидерлик – жамоа ёки гурӯҳда лидерлик ролини ўзига олиш малакаси. Одамларни мақсадга йўналтириш йўлида уларга таъсир этиш, ишонтириш ва натижавийликка ундаш қобилияти.

5. Мослашувчанлик, ўзгаришларга чидамлилик – ўзгарувчан вазиятда ҳаракат қилиш қобилияти, янги шароитларга тезда мослашиш ва янги вазифаларни самарали ҳал қилиш малакаси<sup>3</sup>.

Зоро, раҳбар бошқарувни амалга оширишда бош бўғин ҳисбониб, бошқарувнинг ташкил этилиши, самарадорликни ошириш кўп жиҳатдан раҳбар эгаллаган билим, малака, тажриба қолаверса, унинг шахсий ҳислатлари ва бошқарув услугига бевосита боғлиқ бўлади.

<sup>3</sup> Махмудов. И. Ёш раҳбарлар бошқарув самарадорлигини таъминловчи компетенциялар. //“Ёшлар келажак бунёдкори” шиори остида “Уюшмаган ёшлар билан ишлап тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги II республика илмий-амалий конференцияси материаллари, 2018 йил 4-5 июня.

# **1-МАВЗУ. САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР**

Самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга доир манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ёшлар раҳбар кадрлар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларида турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, қарор айрим ҳолатларда асосий бошқарув функцияларидан бири сифатида<sup>4</sup>, айрим вазиятларда эса асосий бошқарув функцияларини қамраб олувчи маълумотни қайта ишлаш босқичи сифатида ўрганилади<sup>5</sup>.

Қарор қабул қилиш тушунчаси ҳар қандай ташкилот фаолиятининг деярли ҳар бир жабҳасини қамраб олиши ва ушбу жараён ўта муҳим бўлғанлигини хисобга олган ҳолда, асосан “ижтимоий тизим” мактаби давомчилари бўлган бир қатор тадқиқотчиларнинг бошқарув тизимидағи ушбу жиҳатга катта аҳамият қаратишига сабаб бўлди. Жумладан, ушбу илмий йўналиш вакилларидан бири Г.Саймон, бошқарувнинг моҳиятини “ташкилотнинг ҳар бир вакили қарорлари маълум бир факт ёки қийматга асосланган сабаб орқали шаклланишида”<sup>6</sup> кўра билди.

Ҳар қандай соҳада қабул қилинган қарор самарадорлиги уни бажариш сифати ва амалга оширишга боғлиқ. Баъзида қабул қилинган қарорлар ўз вақтида амалга ошмаслиги ва кутилган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Қарорни қабул қилишдан олдин самараси паст бўлиши башорат этилган қарор лойихаси амалда юқори самарага эришиши мумкин ёки самарадорлиги юқори тахмин қилинган қарор лойихаси паст натижа бериши мумкин. Шунинг учун ҳам қарор қабул қилишда мақсадларни

<sup>4</sup>Уманский Л.И. Психология организаторской деятельности школьников. М., 1980.

<sup>5</sup>Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М., 1992.

<sup>6</sup>Гвишiani Д.М. Организация и управление. М., 1972

амалга ошириш имкониятини, қарорни тартибга солиш таъсирини баҳолаш мухим.

Қарор қабул қилиш натижаси ташкилот мақсадларига эришишга тўсқинлик қилувчи зиддиятларни тугатиш ёки бартараф этиш, қарорларни мувоғиқлаштириш механизми – қарор билан ижрочиларнинг “келишуви” аниқ белгиланган бўлиши керак. Шунингдек, С. Янгнинг фикрича, “агар қарор тушунчаси шунчаки танлов бўлмасдан, муаммоларнинг ечимини англатса, бундай ҳолда ташкилотдаги исталган бошқарув қарори нафақат раҳбардан, балки ижроидан ҳам бирдек ҳамкорликни талаб этади”<sup>7</sup>.


**Ташкилот бошқаруви тизимининг С.Янг (S.Young) бўйича 3 механизми:**

- 1.Муаммолар ечимини ишлаб чиқиши;
- 2.Карорларни мувоғиқлаштириш;
- 3.Назоратни амалга ошириши.

Бу мъянода, бошқарув модели доирасида бошқариш функцияларини амалга ошириш фаолияти билан “қарорларни мувоғиқлаштириш” босқичи моҳияти юзасидан савол туғилади. Шуни таъкидлаш мумкинки, бошқариш бу нисбатан кенгроқ бўлган фаолият соҳаси. “Қарорлар бўйича келишиш” босқичининг мақсадлари бошқариш функцияси мақсадларини тўлиқ камраб ололмайди. Мазкур ҳолатда бошқарув қарорларини қабул килиш усусларига эътибор қаратиш мухим (1-расм).

<sup>7</sup>Янг С. Системное управление организацией. М., 1972.

## Бошқару қарорларини қабул қилиш үсуллари



### 1-расм. Бошқару қарорларини қабул қилиш үсуллари

Глобаллашув шароитида замонавий раҳбар самарали бошқару қарорларини қабул қилиш услубларини билиши, ўз фаолияти соҳасидаги муаммони ечишга тизимли ёндашиши, тандыдай таҳлил, барча соҳаларда амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга күтариши, мавжуд тизим санарадорлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига күтариш масалаларига зътибор қаратиши талаб этилади.

Америкалик тадқиқотчилар Р.Льюс ва Х.Райфалар таваккал ва ноаниқлик билан боғлиқ бўлган қарорларни ажратищади. Масалан, *Америка тадқиқотчилари* таваккал шароитидаги қарор маълум эҳтимоллик юзага келиши мумкин бўлган бир неча натижалардан биттасига таянади, ноаниқлик шароитидаги қарор эса ноаниқ эҳтимоллик юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу натижаларга таянади<sup>8</sup>.

<sup>8</sup>Льюс Р., Райфа Х. Игры и решения. М., 1961

Бундай қарорлар пайдо бўлишининг сабаблари ниҳоятда кенг бўлиб, булар ташкилотнинг ички мухити, ташкилот турли тузилмаларининг манфаатлари тўқнашуви натижасида зиддиятлар мавжудлиги, ноаникликнинг юқори даражаси, ташқи мухит таъсири билан боғлик. Қарор қабул қилиш жараёнидаги мавхумликка, кўпинчча, манба сифатида қўлланилган маълумотларнинг камлиги, уларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ёхуд номувофиқлиги сабаб бўлиши мумкин<sup>9</sup>.

Бундай ҳолатда баъзи бир вазиятлар, яъни ижтимоий аҳамиятга молик ва масъулиятли фаолиятларда ташаббус учун ўзига жавобгарликни олишни аниқлаш ҳақида гап кетади. Бунга ўхшаган муаммолар раҳбарнинг тажрибаси ва мослашувчанилигига, иродаси каби сифатларига юқори талаб қўяди.

Умуман олганда, юқоридаги вазиятларда қабул қилинган қарор эҳтимолий қарор дейилади<sup>10</sup>. Табиийки, эҳтимолий қарорлар фаолият субъектига қарор ишлаб чиқишга асосли билимлар ёндашувини шакллантириш, шунингдек, интуитив қарорлар қабул қилиш қобилиятини, таваккал шароитида ҳаракат қилиш нуқтаи назаридан маҳсус талаблар қўяди.

Ноаниклик шароитида қарор қабул қилишда раҳбарнинг иродавий сифатларига талаб кучаяди. Бошқарувчи раҳбар ўз фаолияти давомида аввало инсон омилига таъсир этаётганлигини, бу жамият тараққиётида сезиларли аҳамият касб этишини доим тасаввуррида сақлаши лозим.

**Г. Саймон** ташкилот бошқарув соҳасида, қарор қабул қилиш жараёнида, ҳаттоқи иқтисодиётда, танлов назарияси каби ўйинлар назарияси ва статистик қарорлар назарияси каби инструментлар ҳам қарор қабул қилишни тўлиқ оқилона олиб боришга имкон бермаслигини кўрсатиб берган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб у “тўлиқ мақбул” ва “шартли мақбул” деган атамаларни қўллаган. Қоида тариқасида аниқ бошқарув қарорларида гап факат “шартли мақбуллик” ҳақида кетиши мумкин.

<sup>9</sup>Ковалевский С. Руководитель и подчиненный. М., 1973

<sup>10</sup>Солнцева Г.Н. Психологический анализ проблемы принятия решения. М., 1985.

Доимий ўзгарувчан вазиятларда бошқарув қарорлари динамик тусга эга бўлиб, ёш раҳбар кадрларнинг стресс ҳолатига тушмаслигини тақозо этади. Ноаниклик, ўзгарувчанлик ва мураккаблик каби омиллар вазият кўп қиррали эканлигини, турли параметрлар ҳисобга олиниши, ўзаро алоқадорликнинг кўп жиҳатларга эга эканлигини билдириб, маълум бир ҳолатларда ўзаро уйғунлашиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу каби комбинациялардан энг оддийлари аниқлик, соддалик, статистиклик билан тавсифланса, энг мураккаблари – ноаниклик, қийинлик, динамиклик билан изоҳланади<sup>11</sup>. Бошқарув соҳасида қарор қабул қилиш жараёнида мураккаб объектларни лойиҳалаштириш фаoliyatiда ҳам учрайдиган яна бир хусусият бор. Бу хусусият алоҳида субъектлар мақсадларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ.

Бироқ, шартларнинг мураккаблиги (таъсир этувчи омиллар), қарор қабул қилишнинг мақсадлари, талаблари ва ечимининг тизими туфайли уларни оддий ва аниқ таснифини яратиш мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, бошқарув қарорларининг турли таснифлари мавжуд. Таснифларнинг танлови ва амалда қўлланилиши қарор қабул қилишнинг ўзига хос шартлари билан белгиланади (1-жадвал). Истиқболлар ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорлариниг барча таснифларини тўлиқ англаши ва унда қўлланилаётган усулларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини билиши, қарор қабул қилишга бўлган жараёнда ахборотлар билан ишлаш тизимидан хабардор бўлиш керак бўлади.

### **1-жадвал. Бошқарув қарорлари таснифлари**

<b>1.Бошқарув объекти</b>	Маркетинг, ижтимоий, ишлаб чиқариш, молиявий ва ҳоказо.
<b>2.Қарор қабул қилиш жараёнининг табиати</b>	Интуитив, муҳокамага асосланиб, рационал

<sup>11</sup> Солнцева Г.Н. Психологический анализ проблемы принятия решения. М., 1985.

<b>3.Муқобил сони</b>	Стандарт, бинар (иккили), муқобил, инновацион
<b>4.Муддати</b>	Доимий(хавфсизлик бўйича), узок муддатли, (иш тавсифи) чораклик, қисқа муддатли, бир марталик
<b>5.Қарор қабул қилиш частотаси (тез-тез такрорланиши)</b>	Бир марталик, циклли ( маълум даврда), тез-тез (тез-тез такрорланиб турадиган)
<b>6.Шакл</b>	Ёзма, оғзаки
<b>7.Мазмуни</b>	Ижтимоий, сиёсий, ташкилий, иқтисодий
<b>8.Автоматлаштириш имконияти</b>	Дастурлаш (катта ҳажмдаги маълумотни қайта ишлаш)
<b>9.Шахс омили</b>	Мантиққа асосланган, тадқиқ қилинмаган (интуиция ва тажрибага асосланиб)
<b>10.Бошқарув қарорлариниң қабул қилиш вақти</b>	Стратегик, тактик, жорий, оператив
<b>11.Бошқариш обьектига таъсир кўрсатиш усуllibарининг табнати ва ўзига хослиги</b>	Ижтимоий, сиёсий, ташкилий, иқтисодий
<b>12.Қарор қабул қилиш жараённида таъсир кўрсатадиган субъектларининг сони</b>	Аникловчи, рақобатбардош, мослашувчан

Тараққий этган жамиятдаги ёш раҳбар кадрлар ўзининг маънавияти, баркамоллиги, фидойилиги, иймон-эътиқодлилиги, ватанпарварлиги, алоҳида қобилиятга эга эканлиги билан ажralиб туриши керак. Изланувчан, тадбиркор, салоҳиятли, фидойи раҳбаргина жамиятдаги инновацион ўзгаришлар мухитига мослаша олади. Раҳбар кадрларга хос хусусиятлар борасида Президентимиз Ш.Мирзиёев фикр билдирав эканлар “...юқори ташкилотлардан буйруқ кутадиган, боқимандалик устуворлик қила-диган раҳбарувчилик қилиш фаолиятининг уддасидан

чиқмайди”<sup>12</sup>, деган фикрлари орқали бошқарув жараёни жамият ва инсоният ҳаётида қандай аҳамият касб этишини тасаввур қилиш кийин эмас. Ёш раҳбар кадрларда бошқарув сифатларини ривожлантиришни миллий қадрият ва замон талабига мослаштириш бугунги куннинг энг асосий талабларидан биридир.

Ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида турли иккиланишларни ҳал қилишда ахлоқий тамойилларга амал қилиши мухим (2-расм). Чунки бошқарув қарорларини қабул қилишда нафакат бошқарув тамойиллари, балки ахлоқий тамойилларга амал қилиниши қарорни “Шахс–жамият–давлат” манфаатлари нуқтаи назардан қабул қилинишини таъминлайди.

1-қадам:

- тушунтириб бериш;

2-қадам:

- мавжуд бўлган муаммоларни аниклаш;

3-қадам:

- ахлоқий қоидаларни кўриб чикиш;

4-қадам:

- тегишли қонун ва қоидаларни билиш;

5-қадам:

- маслаҳат олиш;

6-қадам:

- бошқарув қадриятларини ҳисобга олиш;

7-қадам:

- мавжуд бўлган харакатларнинг натижаларини таҳлил этиш;

8-қадам:


- харакатнинг энг яхши йўли деб қараладиган воситаларга асосан қарор қабул қилиш.

## 2-расм. Бошқарув қарорларини қабул қилишда амал қилиниши керак бўлган ахлоқий тамойиллар

<sup>12</sup> Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т.: «ЎЗБЕКИСТОН». 2016. 26 б.

Бошқарувчи раҳбарларга хос ижтимоий-психологик хусусиятларни ижобий мазмун касб этиши факат раҳбарнигина эмас, жамиятнинг ҳам ютуғидир. Раҳбарлар маънавиятли, маданиятли, маҳоратли, салоҳиятли, қатъий саботли ва мукаммал иродавий сифатларга эга бўлиши бугунги кун талабидир. Умуман олганда, бошқарув қарорларининг таснифи хусусиятларини билиш ва улардан фойдаланиш раҳбарларнинг олдида турган вазифаларни тузишга имкон беради.

Бу бошқарув вазифаларини аниқроқ шакллантириш ва ҳал қилиш учун янада кўпроқ имконият яратиб беради. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир бошқарув қарори муайян қийматлар тизими асосида қурилган. Ҳар бир инсон учун бу тизим ўзига хосdir. У ўз ҳаракатларини аниқлайди ва қабул қилинган қарорлар натижаларига масъул. Кўплаб ташкилотлар корпоратив қадриятлар тизимини яратишга ҳаракат қилмоқдалар, унда ёш раҳбарнинг қарорлари ва ҳар бир ходимнинг ҳаракати бир йўналишга қаратилган (3-расм).



**3-расм. Бошқариш қарорларини асосий таркибий қисмлари**

Қарор қабул қилиш тасодифий бўлмаган жараён сифатида ўз моҳиятига кўра танловдир, яъни кўплаб турли-туман мазмун ва йўналишлардан бирини танлашдан иборатдир. Ҳар қандай фаолият ўз мақсади ва усулларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинадиган қатор қарорлардан иборат. Бошқарув қарорлари маълум хусусиятларга эга бўлиши зарур. Бунга куидагилар киради. 1) қарорнинг илмий асосланганлиги; 2) қарорларнинг тушунарлиги; 3) қарорларнинг адолатлилиги – ҳаққонийлиги; 4) қарорларнинг тўғри йўналтириганлиги; 5) қарорларнинг қисқалиги; 6) қарорларнинг вақт бўйича аниқлиги; 7) қарорларнинг тезкорлиги.

Ҳар қандай қарор унинг ижодий ўзига хослиги, ҳар бир фаолиятининг асосланганлиги билан боғлиқ. Булар зътиборга олинмаган қарорни, гарчанд у атрофлича асосланган бўлса ҳам, қабул қилиш, айниқса, амалга ошириш мумкин эмас. Бошқарув субъекти (ёш раҳбар) қарор қабул қиласр экан, унинг ижросини таъминлашда, аввало, қарорнинг ўзгармас тамойилга, инсон, жамоа, ташкилот манфаатларига хизмат қилиши лозим.

**Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида SWOT таҳлили.** SWOT таҳлили қарор қабул қилишда раҳбарнинг кучли ва заиф томонлари, шунингдек, самарали қарор қабул қилишда бор имконият ва таҳдидларни таҳлил қилишдир. Яъни,

**Strengths** – кучли томонлар;

**Weakness** – кучсиз (заиф) томонлар;

**Opportunities** – имкониятлар;

**Threats** – хавф түғдирадиган томонлар.

**SWOT таҳлилиниң вазифаси** – қарорни қабул қилишда мавжуд бўлган вазиятни тизимли тақсимлаш. Таҳлил асосида олинган хуносалар тавсиф ва устуворликларсиз тақдим этилади.

**SWOT таҳлилиниң афзалликлари:**

- Бу иқтисод ва бошқарувнинг турли соҳаларида қўлланиладиган универсал усулдир. Бу усулни ҳар қандай даражадаги обьектни (маҳсулот, ташкилот, вилоят, мамлакат) ўрганиш учун мослаштириш мумкин.

- Тез таҳлил қилиш ва узок муддатли стратегик режалаштириш учун фойдаланиш мумкин.

- Бу усулдан фойдаланиш учун алоҳида билим ва кўникма талаб қилинмайди.

### **Камчиликлари:**

- SWOT таҳлили фақат умумий омилларни кўрсатади. Белгиланган мақсадга эришиш учун аниқ тадбирлар алоҳида ишлаб чиқилиши керак.

- SWOT таҳлили натижалари одатда сифат тавсифи кўринишида намоён бўлади, вазиятни баҳолаш учун кўп микдорий параметрлар талаб этилади.

- SWOT таҳлили субъектив бўлиб, бу анализни олиб бораётган шахснинг билим ва кўникмаларига боғлиқ.

- Юқори сифатли SWOT таҳлил қилиш учун кенг миқёсдаги маълумотларни жалб қилиш керак, бу эса катта микдорда куч ва харажатларни талаб қиласди.

SWOT таҳлилидан олинган маълумотларга асосланиб, бошқарувда самарали қарорларни қабул қилишдаги қийинчиликларнинг сабабларини таҳлил қиласиз, “Нима учун – 5 та сабаб?”

1. Нима учун? – самарасиз қарорлар қабул қилинади;
2. Нима учун? – раҳбар етарли тажрибага эга эмас;
3. Нима учун? – қарор қабул қилишда хато қилишдан кўрқамиз;
4. Нима учун? – муаммоларни тўғри аниклаш ва тизимлаштириш қийин;
5. Нима учун? – вазият ва истиқболли ечимлар таҳлил қилинмайди.

Агар бошқа “Нима учун?” мавжуд бўлса, яна савол берилиши мумкин.

Бугунги кунда қарор қабул қилувчи шахснинг хатоси нафақат тадбиркор, бирор бир ташкилот ёки давлатга, балким глобал равишда инсониятга талафот келтириши мумкин. Шунинг учун, замонавий раҳбар бошқарув жарёнидаги вазиятларни

тахлил қилишни, қарор қабул қилиш ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш технологияларини билиши зарур. Маълумки, ҳар қандай фаолият тури бошқарув асосига қурилади, чунки шу фаолиятни амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришиш, бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, ижросини назорат қилиш, шунингдек, самарадорликка эришиш учун шу фаолиятда иштирок этувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш чора-тадбирлари бошқарув жараёнида ташкил этилади ва мувофиқлаштирилади.

## **2-МАВЗУ. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНІ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ**

Хар бир ёш раҳбар қайси соҳада фаолият юритишидан қатыи назар, ўзига хос ва ўзининг муайян муаммоларни ечиш чоғида айнан бир хил ва ўхшаш хатти-харакатларни амалга оширади. Бундан келиб чиқадики, раҳбар фаолияти самараадорлигининг пасайиши сабабларини тушуниши учун бошқарув қарори шаклланиши жараёнини қузатган бўлиши лозим. Бошқарув қарори ишлаб чиқилишининг босқичларини ажратиш учун бир неча ёндашувлар мавжуд.<sup>13</sup>

*Кўпинчча, бунга қўйидаги ёндашувлар киради:*

- муаммонинг ташхиси;
- қарор қабул қилиш учун чеклов ва мезонларнинг шакллантирилиши;
- муқобилларни аниқлаш;
- муқобилларни баҳолаш;
- сўнгги танлов.


*Аммо босқичларни ажратишда бошқа ёндашувларни ҳам учратиш мумкин:*

- муаммони баҳолаш;
- муқобилларнинг кўриб чиқилиши;
- муқобилларни баҳолаш;
- танланган ҳаракат ҳақида хабар;
- мажбуриятларни олиш

**Қарорлар тайёрлаш босқичи.** Қарор лойихасини шакллантириш босқичида турли жараёнларни ҳосил қилган ҳолда, аниқ сабаби ва натижаси бўлмаган турли бошқарувчи гурухлар ҳаракатлари бир-бири билан кесишади. Бироқ мантиқий нуқтаи назардан қарорлар қабул қилиш жараёнида давлат томонидан қўлланилаётган технологиялар мазкур жараённинг босқичлари билан боғлик. Бу жараёнларда бошқарув фаолияти учун мухим бўлган ҳаракатлар амалга оширилади, турли манфаатларни

<sup>13</sup>Janis i., Mann L. Decision making. A Psychological theory of conflict, choice and commitment. A.P., 1977.

мувофиқлаштиришнинг расмий ва норасмий механизmlари нисбати аниқланади, бошқарувчиларнинг муайян маъмурй ҳаралатларига рухсат берилади, давлат бошқарувида қўлланиладиган техника ва амалларнинг кетма-кетлиги белгиланади (4-расм).



4-расм. Қарор қабул қилиш босқичлари<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Холев А.Х. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий концепциялари. Монография. – Т.: «Akademiya» нашриёти, 2013. 93-бет.

Ёш раҳбарларга хос ижтимоий-психологик хусусиятлардан мухим жиҳати шундан иборатки, аввало раҳбар ўз шахсидан, ҳаётидан, фаолиятидан кониқсанлик даражасига эга бўлиши шарт. Бундай тарздаги ижтимоий-психологик қониқсанлик дараҷаси уни юқори кўтаринки кайфият, оптимизм руҳидаги қарорлар қабул қилишига, жамоадаги соғлом мухитни шакллантира олишига асос бўлиб хизмат қилади. Раҳбарнинг креатив фикрлаши, мотивацияни оширишга таъсир қилувчи қарорлар қабул қилиши ўз навбатида қўл остидаги ходимларини қарашларидаги, фаолиятидаги янгиланишларни юзага келтиради. Жамоадаги ҳар бир ходимнинг индивидуал психологик хусусиятларини билиши, таъсир этиш йўлларини топиши раҳбар фаолиятининг муваффақиятини таъминлади.

**Муаммони белгилаш босқичи.** Қарор қабул қилиш жараёнидаги оддий қийинчилкларни, хатоларни ва муаммоли вазиятларни кўриб чиқамиз. Бу босқич бутун жараённинг энг асосий кисми ҳисобланади. Қарор қабул қилишдан олдин, муаммоли вазият тан олиниши ва белгиланиши шарт (керак). Муаммонинг оптимал ечимини топиш мумкин, лекин муаммонинг ўзи нотўғри шакллантирилган бўлса, энг оптимал деб тошлигандан қарорнинг ҳам амалий натижаси самарасиз бўлади. Айнан шунинг учун ҳам бошқарув амалиётида муаммони белгилаш ва унинг турини аниклаш босқичига эътибор қаратилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу жараён мураккаб ва фундаментал Япон бошқарув амалиётида кўп учрайди. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниклаш “илдизлар алоқаси”<sup>15</sup> тартиби сезиларли даражада муаммонинг нотўғри белгилаш эҳтимолини камайтиради.

Ёш раҳбар кадрлар қарор қабул қилиш зарурлигини англашлари учун барча чораларни кўриши мухим. Баъзан, қарор ва уни молиялаштириш тўғри қабул қилинган бўлсада, лекин инсонлар онги уни қабул қилишга тайёр эмаслиги, уларда эски қарорларга тарафдорликнинг устунлиги, ўтмиш анъаналарига

<sup>15</sup>Курицын А.Н. Управление в Японии. Организация и методы. М., 1981.

мойиллик, ҳиссиётларнинг соғлом фикрдан устунлиги юз бериши мумкин. Бундай ҳолатларда бошқарув субъекти инсонлар онгини такомиллаштириши, аста-секин тушунтириш ҳамда ижтимоий фикрни ўрганиш ва етказиш каби ўқув технологияларига мурожат қилиши керак бўлади.

Кечиккан қарорлар, бошқарувнинг энг юқори даражадаги муаммоларини аниқлаш учун ваколат берилганда пайдо булади. Кўпинча, барвақт қарорларни ҳам учратиш мумкинки, бунга одатда юқори даражадаги шахсий безовталиқ, тажрибанинг камлиги, вазиятни ривожлантириш ҳакидаги етарли тушунчасининг йўклиги сабаб бўлади.

Рахбар фаолияти даврида шундай вазиятлар бўладики, бундай ҳолатда бир неча ҳаракатларнинг муқобилларидан энг оптимальни танланишига ҳаракат қилинади. Ҳар қандай фаолият давомида юзлаб, минглаб қарор қабул қилишга тўғри келади.

**Муаммоларни таснифлаш босқиччи.** Бу босқичнинг мөхияти талаб этилаётган қарорнинг ишлаб чиқиш субъектини аниқлашдан иборат. Маълумки, ўз қўл остидаги ходимларига қарор чиқариш ваколатини одатдагидек тақсимлаган раҳбарлар фаолияти самаралироқ саналади. Қарорларни қабул қилиш бўйича ваколатни бериш хусусиятлари ташкилотни номарказлаштиришнинг бевосита кўрсаткичи ҳисобланади. Буларга куйидаги кўрсаткичлар кириши мумкин. Жумладан:

- А) бошқарувнинг қуи даражасидаги субъектлар ёки қўл остидаги ижрочилар томонидан қабул қилинган қарорлар сони;
- Б) ваколат берилган қарорларнинг мухимлик даражаси;
- В) бевосита қўл остидаги ходимлар ёки бошқарувнинг қуи даражадаги ходимларига ваколат берилган қарор билан таъсир қилинадиган вазифаларнинг сони;
- Г) берилган қарорларнинг амалга оширилиши бўйича назорат даражаси.

Юқори даражадаги ваколатни узатиш назоратни инкор қиласи. Қабул қилинган қарор ҳакида юқори турувчи раҳбарга маълумот бериш зарурати туғилганда назорат юқори даражада

бўлади<sup>16</sup>. Шу билан бирга, қарорларни шакллантириш фаолияти тузилмаси<sup>17</sup> хақидаги С. Янгнинг фикрича, яна бир ваколатларни бериш жараёни кўрсаткичини киритиш мумкин. Шундай қилиб, маълум бир қарорни ишлаб чиқишига жалб қилинган ижрочи, ушбу босқичнинг у ёки бу бўлагида ҳукуқ ва иштироки ҳар хил тақсимланиши мумкин. Жумладан:

- Ташкилот мақсадларининг аникланиши;
- Мақсадларга эришиш жараёнида муаммоларни аниклаш;
- Муаммоларни ўрганиш ва ташхисни қўйиш;
- Муаммонинг ечимини излаш;
- Барча муқобил ечимларни баҳолаш ва улардан энг маъқулларини танлаш;
- Ташкилотда қарорлар бўйича келишувлар;
- Қарорларни тасдиқлаш;
- Қарорни ижро қилишга тайёргарлик кўриш;
- Қабул қилинган қарорларнинг қўлланилишини бошқариш;
- Қарор самарадорлигини текшириш.

**Ваколатларни бериш босқичи.** Бу кўрсаткич назорат билан бирга, ваколатлар тўлиқ тақсимланишини ифода этади. Дастррабки З та босқич интеграл кўрсаткич билан “ваколатларнинг тақсимланиши ҳажми” деб бирлаштирилиши мумкин. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини баҳолаш, қарор ижросини таъминловчи субъектларни белгилаш раҳбар ваколатлари доирасида амалга оширилиши лозим. Ваколат бериш ҳажми фаолиятнинг норматив асоси, шунингдек, муайян мутахассислик билан чегараланади<sup>18</sup>.

Тўлиқ тақсимлаш, фаолиятнинг норматив асослари билан боғлиқ субъектив омиллар ва чегараланишлар билан бир қаторда, қарорлар ижрочиларининг хулқ-атвори билан ҳам аникланади.

Ижрочи фаолияти келишувининг ҳажми ва таснифи қарорларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб ҳар хил. Жумладан, бу

<sup>16</sup> Пригожий А.И. Организация: системы и люди. М., 1983

<sup>17</sup> Янг С. Системное управление организацией. М., 1972

<sup>18</sup> March J.G., Simon H.A. Organizations. N.Y. 1958

вазият топшириклар ижроси жараёнида учрайдиган зиддиятларни бартараф қилиш бўйича қарорларга ҳам тегишли.

Қарорлар ишлаб чиқиш ваколатларини узатиш жараёнида, амалиётда жуда кўп рад этиш кўринишини кузатиш мумкин. Булар жумласига, ваколатларнинг ҳажми бўйича ва тўлиқ ноодатий тақсимлаш, ваколатларни мос келмайдиган даражадаги ваколатларга эга бўлган ходимга ёки ваколатларни ижро қилиш учун мос келмайдиган ижрочига бериш мисол бўлиши мумкин (2-жадвал).

## **2-жадвал. Қарор қабул қилиш жараёнида ваколатларни юклатишга таъсир этувчи омиллар**

<b>Раҳбар томонидан ваколатни юклатишга тўсик бўлувчи сабаблар</b>	<b>Ходимларнинг ваколатни қабул қилишдан бош тортиш сабаблари</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>– «Мен буни ўзим яхши бажараман» деган фикрнинг мавжудлиги</li><li>– Раҳбарлик қобилиятининг етишмаслиги</li><li>– Ўз ходимларига ишончсизлик</li><li>– Қўркув ҳисси (хавф-хатари)</li><li>– Раҳбариятни кутилаётган хавф хусусида огохлантириш учун танланма назоратнинг йўклиги</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>– Ходим фикрича, мен муаммони ҳал қилгандан кўра, раҳбардан сўраш маъкул</li><li>– Қилинадиган хатолар учун танқиддан кўркиш</li><li>– Вазифани бажариш учун ходимда керакли ресурслар ва ахборот мавжуд эмас</li><li>– Ходимнинг бажараётган иши кўп ёки кўп вазифа юклатилди деб ўйлаши</li><li>– Ходимнинг ўзига ишончи йўқ</li><li>– Ходимга қўшимча масъулият учун рағбатлантиришлар берилмаслиги</li></ul>

Бу ўринда қарорлар самарадорлигига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни ҳам ҳисобга олиш керак. Булар жумласига фаолият усулининг хусусиятлари (бошқарувнинг авторитар усули), ижрочининг қасбий ва ахлоқий сифатларига ишончсизлик, ходимни етарлича билмаслик, шунингдек, шахсий хавотир ҳам киради. Ваколатларни тақсимлашнинг яна бир мураккабликларидан бири, ёш раҳбар кадрларнинг психологик нобарқарорлик ҳолати. Мазкур ҳолатда раҳбар кадрлар стресс вазиятларда оптималь қарор қабул қилиш усулларини билиши лозим.

**Муаммоли вазиятлар учун маълумот моделини яратиш босқичи.** Жуда мухим вазият деб, маълум босқичда раҳбар бевосита ўзи ва бошқалар томонидан тўпланган маълумотларни қабул қилиши ҳамда ундан фойдаланиши назарда тутилади. Маълумот оғзаки шаклда ёки ҳар хил воситачилар орқали тақдим этилиши мумкин. Маълумот етарли бўлмаслиги ёки ортиқча бўлиши, ишончли ёки шубҳали баҳоланиши, баҳсли, тизимдаги жараёнларнинг ривожланиш динамикасини акс эттирувчи ёки кечиккан бўлиши мумкин. Айнан мана шу босқичда ноаниқлик, динамиклиқ, мураккаблик омиллари ўзининг тўлиқ ҳажмини кўрсатади.

**Муаммоли вазиятнинг концептуал моделини қуриш босқичи.** Юкорида кўрсатиб ўтганимиздек, турли хил мутахассислар томонидан тақдим этилган бир хил маълумот, улар нима ҳақида маълумот тақдим қилаётган бўлса ўша муаммоли вазият ҳақида ҳар хил тасаввур пайдо бўлишига асос бўлади. Муаммоли вазиятнинг концептуал моделини қуриш босқичида қарама-қаршиликларнинг моҳиятини ёнглаш юзага келади.

ХХ асрнинг 20-йилларида С.Оптнер томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ўзига хос усули таклиф қилинди. “Оптнер” усули<sup>19</sup> орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш

<sup>19</sup> Оптнер С.Л. Системный анализ для решения проблем бизнеса и промышленности / Станфорд Л. Оптнер. - 2-е изд. - М.: Концепт, 2003. - 206 с.

боскичлари куйидаги тартибда амалга оширилади: 1) симптомлар идентификацияси, муаммога доир маълумотларни гурухлаш; 2) муаммо долзарблигини аниклаштириш; 3) асосий мақсадга аниклик киритиш; 4) тизим структураси ва унинг дефектли элементларини таҳлил қилиш; 5) имкониятлар структурасини аниклаштириш; 6) муқобил (альтернатив) вариантни топиш; 7) альтернатив вариантни баҳолаш; 8) альтернатив вариантни танлаш; 9) қарор лойиҳасини тузиш; 10) жамоа-бажарилувчи раҳбарлар томонидан қарор тан олиниши; 11) қарор ижросини таъминлаш; 12) қарор ижросини бошқариш (режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, назоратни амалга ошириш); 13) қарор натижаларини баҳолаш.

Бу боскичнинг самараси пасайишига психологик омиллар, қарор ишлаб чиқарувчи мутахассиснинг когнетив билим дараҷаси, фаолият стереотиплари сабаб бўлиши мумкин.

**Зиддиятларни ечиш боскичи.** Навбатдаги боскичда зиддиятларни ечиш усуллари аникланади, олдин аникланган аломатларига (мезонларига) мувофиқ иухим баҳолашлар амалга оширилади. Зиддиятларнинг эҳтимолий ечимлари уларнинг мақбуллигига қараб иерархиялаштирилади<sup>20</sup>.

Зиддиятли ҳолат ташкилотдаги самарасиз фаолиятнинг ва ёмон бошқарувнинг белгиси. Бунда ёш раҳбар зиддиятлар моҳиятини, унинг таснифланишини билиши керак. Демак, зиддиятлар:

**Гурухдаги фаолиятнинг харакатига кўра:** 1) конструктив; 2) деструктив.

**Моҳиятига кўра:** 1) амалга ошадиган; 2) амалга ошмайдиган.

**Иштирокчилар хусусиятига кўра:** 1) шахслар ичидаги; 2) шахслар ўртасидаги; 3) шахс ва гурух ўртасида; 4) гурухлар ўртасида.

<sup>20</sup> Дунаевский Ф.Р. Комплексность в организации. Труды Всеукраинского института труда. Вып.2. Харьков. 1928.

**Қарор қабул қилиш босқичи.** Қарор қабул қилиш босқичида муаммоли вазиятнинг аниқ ечими сифатида у ёки бу муқобил ечимлардан бири белгиланади. Ёш раҳбар кадрлар бошқарув фаолиятида самарали қарор қабул қилишнинг қуидаги босқичларига эътибор қаратиши керак:

**1. Муаммони аниқлаш** – қарор қабул қилиш кераклигини тушуниб етиш. Қарор қабул қилиш заруриятини асослаш.

**2. Муаммога тегишли маълумотларни тўплаш** – қарор қабул қилишдан олдин муаммога тааллукли барча маълумотларни тўплаш. Яъни, муаммони келтириб чиқарувчи internal – ички ва external – ташқи омилларни ҳисобга олиш.

**3. Танлов чораларини аниқлаш** – муаммо ҳақида етарлича манбалар ва маълумотлар тўпланиб, улардан бир неча муаммони ечимига хизмат қилувчи захира йўллар – чоралар аниқланади. Бу қадамда ҳатто кишилар ўз фантазияларидаги танлов чораларини ҳам муаммо ечишга йўл сифатида рўйхатга оладилар.

**4. Асосли маълумотли ўрганиш** – муммони таснифлаш, гурӯхлаштириш ва уни даражаси ҳамда миқёсини аниқлашдан иборат. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қарорда белгиланган талаблар (меъёрлар)ни тартибга солиш таъсирини баҳолаш.

**5. Кўзда тутилган чоралардан бирини танлаш** – бу қадамда юқоридаги ўрганиб чиқилган маълумотлар асосида муаммо ечимига энг қулай вариант танлаб олинади ва кўзда тутилган чораларни бир-бирига боғлаган ҳолда – чоралар комбинациясини (“combination of alternatives”) яратиш мумкин. Нихоят, энг қулай ва маҳсулдор йўл танланади.

**6. Ҳаракатни бошлаш** – ушбу қадамда энг қулай деб танланган йўл асосидаги ижобий ҳаракатни бошлашга тайёрланишга эътибор қаратиш керак.

**7. Қарор натижаларини кўриб чиқиш** – бу қадамда қилинган қарор натижалари кўрилиб, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, маънавий, экологик оқибатлари баҳо-

ланади. Агар қарор самарадорлиги юқори бўлмаса, аниқланган чоралар асосида янги қарор қабул қилиш лозим бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, қарор қабул қилиш жараёни бу аниқланган муаммо, қарорга нисбатан тўпланган маълумотларни баҳолаш жараёнидир. Қарор ишлаб чиқишининг олдинги босқичлари мукаммал даражада амалга оширилган бўлса ҳам, танлов ҳар доим ҳам муқобиллар ичидан танланган энг яхши танлов бўлавермайди. Шунинг учун ҳам ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорларини қабул қилиш алгоритмига амал қилиши лозим (З-жадвал).

### **З-жадвал. Бошқарув қарорларини қабул қилиш алгоритми**

<b>Босқичлар</b>	<b>Амалга ошириш кетма-кетлиги</b>	<b>Жараёнлар</b>
1. Қарор қабул қилишни зарурлигини тушуниш (ахборот олувчи)	1. 1. Муаммоларни келиб чиқиши	Муаммоли вазиятларни (МВ) келиб чиқиши сабабларини аниқлаш МВ характерини аниқлаш
	1.2. Муаммоларни шаклланиши	Қарорларни қабул қилишда мақсадларни белгилаш Қарорларни қабул қилишда чегараларни ошкор қилиш
		Қарорларни қабул қилиш моделини яратиш ва шакллантариш
2. Варинатларни лойиҳалаштириш (войиҳалаш)	2. 1. Қарор қабул қилишда мезонларни (критерия) аниқлаш ва танлаш	Танлаш мезонларини белгилаш
	2. 2. Кўплаб варианatlарни ишлаб чиқиш ва аниқ бир шаклга келтириш	Вариантларни лойиҳалаштириш (МВ бартараф этишдаги ҳаракатлар) Эҳтимолий оқибатларни баҳолаш

3. Бошқарув қарорларини тәнлаш ва амалга oshiриш (тәнлов)	3.1. Энг мақбул қарорни тәнлаш	Вариантларни тәнлаш методлари- нинг тасвиғи
	3.2. Қарорларни бажариш учун ишларни ташкиллаштириш	Вариантларни солиштириш Хавфни аниқлаш ва баҳолаш Қарор қабул қилиш (вариантлардан бирини тәнлаш)
	3.3. Қабул қилинган қарорлар нати- жаларини баҳолаш (мониторинг)	Қарорларни бажариш жараёнини назорат ва таҳлил қилиш

Қарор қабул қилиш жараёнини мақбуллаштириш учун ишнинг **жамоавий шаклидан фойдаланилади**. Бундай ҳолатда самаралилик манбай ҳамкорлик фаолиятида рўй берётган кўриниш, хабардорлилик, гурухда шаклланган (кўникма) рефлекс қобилиятлари бўлади<sup>21</sup>.

Шунинг учун, қарорлар ишлаб чиқиш жараёнидаги ўзаро ҳамкорликдаги қобилиятлар, ташкилот мақсадларига эришиш учун жамоавий интеллектуал кучдан фойдалана олиш, раҳбарнинг энг аҳамиятли жиҳати ҳисобланади. Бошқарувда самарали қарорларни қабул қилишда ёндашувларнинг асосий тамойиллари ва хусусиятларини тушуниш муҳим.

Бугунги кунда ёш раҳбарларнинг бошқарувга тайёрлик даражасини аниқлаш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу йўналишдаги фаолиятни тартибга солиш, ёш раҳбарларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш давр талаби ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё миқёсида олимлар ўз тадқиқотларини ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув тайёргарлигига оид кенг кўламли илмий

<sup>21</sup> Советов А.В., Семенов И.Н.. Степанов С.Ю. Рефлексия в организации практического мышления при решении проектно-творческих задач//Проблемы развития и освоения интеллектуальных систем. Новосибирск, 1986.

тадқиқотлар олиб боришга қаратган. Аҳолининг турли қатламлари орасида ёшларнинг бошқарувчилик маҳоратини аниқлаш, уларни маънавий қўллаб-кувватлаш кўламини янада кенгайтириш, давлат хизматчиси учун қадриятларнинг устуворлиги, илгари сурилган фаолиятни яхшилашга доир ташаббуслар “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган фикрни сингдириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда Давлат органларининг ролини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

### 3-МАВЗУ. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

Бугун жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини янги босқичга олиб чиқиш, ислоҳотларни амалга ошириш изчил давом этмоқда. Қайси соҳа ёки тармоқда бўлмасин, долзарб муаммолар ахолимиз билан очик муҳокама қилиниб, уларнинг ечими топилмоқда. “Барча қарорларимиз халқимизнинг фикр-мулоҳазалари ва мурожаатлари асосида қабул қилинмоқда”<sup>22</sup>. Бу эса шиддатли янгиланишлар оқимидан иборат бугунги даврда самарали қарорларга эришиш учун ёш раҳбарларда бошқарув кўнижмаларини шакллантириш муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “дастурлар, қонунлар, қарорлар ҳаётда амалда ижро этилганда ва жамият турли-туман иллатлардан тозалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин”<sup>23</sup>.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш – бу корхона (ташкилот) аъзолари томонидан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараённига раҳбарлик қилиш бўйича аниқ масалаларни ҳал этиш демакдир. Бунда ҳар бир бўлим ўзининг функционал вазифасини бажариш билан банд бўлади. Шу тариқа барча бошқарув бўлинмалари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, бош режанинг бажарилишини таъминлайди»<sup>24</sup>.

Бошқарув қарорининг танлови бир ёқлама бўлмасдан, ушбу жараёнга таъсир этувчи кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Улар таъсирини расмий тарздагина қабул қиласдан (масалан, психологик, типологик омиллар), аксинча, ҳисобга олмоқ лозим.

<sup>22</sup> Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши. ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йигилишидаги маъруза. 2017 й. 12 июль // [www.iza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017](http://www.iza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017).

<sup>23</sup> Мирзиёев Ш. Таъкидий таҳтил. қатъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундаклик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 10-б.

<sup>24</sup> Холов А.Х. Бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ва раҳбар масъулияти. Монография. –Т.: «Tafakkur qanoti» нашириёти. 2017. 161-б.

Бошқарув қарорларини қабул қилинишига ва уларнинг самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омилларнинг бир қанчасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Қарор қабул қилишда моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуслари мавжуд. Прогнозни амалга ошириш мураккаб интеллектуал фаолият.

Бугунги кунда қуйидаги самарали қарорлар қабул қилиш усуслари мавжуд: моделлаш усули, илмий усувлар (кузатиш, таҳлил ва ҳ.к.), муаммоли ва мақсадли режаларни тузиш, интервью (сўров), “Дельфи” усули (сўровнома, “аклий хужум”, эксперт интервью ва ҳ.к.).


Мисол учун ахлоқий жиҳатларга асосланган қарорларни қабул қилиш модели бир нечта **афзалликларга** эга: 1) барча манфаатдор томонларни аниқлаш; 2) муқобил стратегияларни аниқлаш; 3) ҳар бир иштирокчи учун ҳар бир стратегия доирасида харажатлар ва натижаларни баҳолаш; 4) энг тўғри ечимни танлаш, яъни энг кўп иштирокчилар учун катта фойда келтирадиган ечим.

**Камчиликлари:** 1) қисқа муддатли натижаларга қаратилган; 2) узок муддатли қарорнинг оқибатларини кузатишга имкон бермайди; 3) камчиликнинг манфаатлари инобатта олинмайди.

Қарор қабул қилиш жараёнида устуворликларни белгилаш чоғида ёки уларни таснифлашда шахсий баҳолашнинг субъектив жиҳати намоён бўлади. Барча бошқарув қарорларининг асоси бўлиб КҚШ (қарор қабул қилувчи шахс) қадриятлари тизими саналади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йилда 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида жаҳон саҳнасида “Янги Ўзбекистон” дея эътироф этилаётган юртимизда шаффофлик, очиқлик, қонун ва демократик тамойилларнинг устуворлиги, “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чукур кириб бормоқда деб, алоҳида қайд этиб ўтдилар. Айнан ушбу омиллар ёш раҳбар кадрлар фаолиятида очиқликка ва шаффофликка асосланган

бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини таъминлайди (5-расм).



**5-расм. Ёш раҳбар кадрлар фаолиятида очиқликка асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш модели**

Бошқарув қадриятлар тизими раҳбарнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб беради ва қарор танловига таъсир этади. Ҳар бир шахс ўз қадриятлари тизимига эга бўлиб, айнан шу тизим унинг фаолиятига таъсир этади ва қабул қилинаётган қарорларга ўз таъсирини ўтказади. Масалан, бошқарув қарорини қабул қилиш жараёнида, раҳбар ижтимоий-ахлоқий меъёрларга риоя этишни таъминлаб берувчи, аммо кам вақт сарфловчи мұқобилга тўхталиши мумкин.


**Аниқлик шароитидаги қарор қабул қилиш мұхити.** Аниқлик шароитида нисбатан кам сонли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бироқ, уларнинг ўрни ҳам мұхим ахамият касб этади. Аниқлик даражаси юқори бўлган вазиятлар детерминистик деб аталади.

**Хавф пайтида қабул қилинадиган қарорлар.** Хавф пайтида қабул қилинадиган қарорларга, уларнинг натижалари аниқланмаган, аммо ҳар бир натижа таҳминан ҳисобланиши мүмкінлиги эътироф этилади. Эҳтимоллик ушбу ҳолат амалга ошиши мүмкінлигини билдириб, бунда ўзгариш коэффициенти 0 дан 1 гача кўринишда бўлади. Барча мұқобилларнинг эҳтимоллиги йиғиндиси 1 га teng бўлади. Эҳтимолликни аниқлашнинг энг мақбул усуулларидан бири – бу холислик. Эҳтимоллик, уни математик усул ёки орттирилган тажрибанинг статистик анализи орқали аниқлаш холис ҳисобланади.

Шубҳасизки, ҳар бир раҳбар қарор қабул қилиш жараёнида хавф омили мұхимлигини ҳисобга олиши лозим. Бунинг мисоли сифатида “Макдоналдс” компаниясининг менежменти тарихини келтиришимиз мүмкінки, унда ассортимент бўйича ўзига хос хавфли қарорлар, муваффақиятлар ва омадсизликлар ҳам кузатилган. Чунончи, “Макдоналдс” савдо шохобчаларининг франчайзинги билан шуғулланувчи американлик тадбиркор Рэй Крок нафақат мижозларга тез хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириди, балки таом сифатини яхшилаш ва уларнинг хилма-хиллигини кўпайтириш бўйича хавфли қарорлар қабул қилган.

Ва ниҳоят, биринчи франчайзерлардан бири бўлган Джим Делигатти таомномага икки қаватдан иборат бўлган маҳсус соусли гамбургер киритиш таклифи билан чикиб, унга турли "Биг Мак" қўшимчаларидан фойдаланишни тавсия қилган. Ушбу ғояни Джим "Биг Бой" ресторонлар тизимидан ўзлаштирганини таъкидлаган. Ушбу таваккал охир-оқибат ўзини оқлади. Бир неча ой ўтиб, "Биг Мак" ўз сотувларини 12 % кўтаришга муваффак бўлди<sup>25</sup>.

Бошқарув қарорлари қабул қилишда "музокаралар (манфаатларни уйғунлаштириш) модели", "кўпчиликнинг розилиги тамойилига асосланган модель" ва "келишув асосида қарор қабул қилиш модели" мавжуд бўлиб, бошқарувга доир адабиётларда қарор қабул қилиш моделларининг турли хил таснифлари мавжуд (6-расм).



6-расм. Қарор қабул қилиш моделлари

<sup>25</sup> Шеметов П.В. Менеджмент: управление организационными системами: учебное пособие / П. В. Шеметов, Л. Е. Чередникова, С. В. Петухова. – М. : Омега-Л, 2009. – 408 с.

Эҳтимолликни аниқлашдаги холислик кўп жиҳатдан тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш билан боғлик бўлади. Бу мақсадни амалга оширишда ташки манбалар (иктисодиёт масалаларига оид маъруза ва ҳисобот материаллари, демографик маълумотлар ва ҳоказо) билан бир қаторда ўз кучи билан йигилган маълумот ва таҳлил натижалари қўлланилиши мумкин. Маълумки, релевант, яъни ҳаққоний маълумот хавф-хатарларни ҳисоблаб чиқишдаги холислик даражасини оширади. Бироқ, баъзан ташкилотлар эҳтимолликка холис баҳо бериш учун етарли даражадаги маълумотга эга бўлмасдан, раҳбарнинг тажрибасига ва унинг маълум бир муқобилларнинг эҳтимоли амалга ошиши бўйича фикрлашига таянади.

Умуман, қарор қабул қилиш жараёнида фойдаланиладиган услубларни қуидаги олти туркумга ажратиш мумкин:

1. **Хиссий билишга** асосланган, субъектнинг хиссий ва тахминий тасаввурларини ўзида акс эттирадиган услублар;

2. **Прецедент услуг** бу субъект томонидан илгари содир бўлган ўхшаш ҳодисаларда фойдаланилган услубларни механик қўллашни назарда тутади;

3. **Вазиятни баҳолашда** объектив фикрлаш усуулларига асосланган математик, рационал, илмий услублар. Бунда “харажат ва фойда”, “харажат ва фаолият”, “илгарилаб бораётган тадқиқотлар”, “бозор ва кайфиятларни ўрганиш” каби услублар ҳакида гапириш мумкин;

4. **Инкрементал услуг** бу вазиятнинг фундаментал жиҳатларига дахл қилмайдиган, уни сезиларли даражада ўзгартирмайдиган услубдир.

5. **Аралаш услуг** бу аниқ муаммоли вазиятни эмперик тадқиқ этишда ижтимоий таҳлилнинг умумназарий ёндашувларини қўллашни назарда тутадиган услуб ҳисобланади.

**6. Тажрибавий услуб бу муаммоли вазиятни сунъий моделлаштиришни назарда ту тадиган услубдир<sup>26</sup>.**

Бошқарув қарорларини қабул қилиш технологиялари күйидаги тамойилларга асосланади:

- директивлар (қарорларни буйруқ-тавсия шаклида етказиш);
- манзиллилик (яъни, аниқ гурухлар, тузилмалар, ташкилотларга мурожаат қилиш ва улар зиммасига шунга мос масъулият юклаш);
- қонунийлик;
- қарорларни амалга оширишда захира тизимининг мавжудлиги;
- қарорларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг тартибга солинганлиги;
- талабларнинг бир-бирига зид эмаслиги;
- мақсадларнинг амалга оширилиши ҳакида узлуксиз ахборотнинг етказилиши ва х.к<sup>27</sup>.

Америкалик социолог олим М.Рубинштейн бошқарув қарорларини қабул қилишнинг 10 та қоидасини таклиф қиласди:

- 1) Муаммонинг тафсилотларини ўрганишга киришишдан олдин муаммо тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлишга ҳаракат қилинг.
- 2) Муқобил вариантларнинг барчасини ўрганмагунча қарор қабул қилманг.
- 3) Шубҳа билан қаранг, ҳаттоки, умумий қабул қилинган ҳақиқатга ҳам ишончсизлик билан қаранг ва уни инкор этишдан асло қўрқманг.
- 4) Олдингизда турган муаммони ҳар хил фикрлар орқали ўрганишга ҳаракат қилинг, ҳатто муваффақият имконияти минимал бўлган тақдирда ҳам.

<sup>26</sup> Рейльян П.Р. Аналитическая основа принятия управленческих решений. – М.: Прогресс, 1979.

<sup>27</sup> Венделин А.Г. Подготовка и принятие управленческого решения. – М.: Экономика, 1977.

5) Ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини яхши тушунишга кўмаклашувчи моделларни қидиринг.

6) Иложи борича қўпроқ саволлар беринг, тўғри берилган савол гоҳида жавоб мазмунини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

7) Хаёлингизга келган биринчи қарордан дарҳол қониқиш ҳосил қилманг.

8) Сўнги қарорни қабул қилишдан олдин ким биландир ўша муаммо тўғрисида сұхбатлашинг.

9) Қарор қабул қилишда ўзингизнинг хиссиётингизни четга суриб қўйманг.

10) Ҳар бир инсон ўз ҳаётига ва кундалик муаммоларга ўзининг нуқтаи назари билан қарашини унутманг.

**Консенсус асосида қарор қабул қилиш модели.** Консенсус асосида қарор қабул қилиш модели замонавий ташкилий назарияларда қўлланиладиган воситалардан биридир. Бу модель деярли турли ташкилотлар ва ҳокимият тизимидағи барча йўналишларда қўлланилиши мумкин. Консенсус бир овоздан ечимга келиш эмас, чунки ҳамманинг рози бўлиши шарт эмас. Бу ҳолда, ҳамма бир овозда эмас, балки кўпчилик билан овоз бермоқдир. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қарор қабул қилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлиши билан бир қаторда нейтрал позицияда қолиши ёки муайян қарорнинг қабул қилинишига рози бўлмаганда уни бекор қилиши мумкин.

Ёш раҳбар кадрлар бошқарув фаолиятида қарор қабул қилишда бошқарув қадриятлари асосида шаклланган моделларига ҳам эътибор қаратиши мухим (4-жадвал).

## 4-жадвал. Бошқарув қадриятлари асосида шаклланган қарор қабул қилиш моделлари


Классик модель	Маънурий модель	Сиёсий модель
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мақсаднинг аниқлиги, муаммоларни тушуниш</li> <li>• Вазиятни тўлақонли аниқлаш</li> <li>• Ечимлар варианtlари ва эҳтимолий натижалар тўғрисида атрофлича ахборот тўплаш</li> <li>• Одамлар фойдали натижаларни максимал даражада ошириш учун оқилона танловларни амалга оширадилар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муаммо ва мақсад ойдин эмас</li> <li>• Вазиятларда ноаник ҳолатлари учрайди</li> <li>• Қарорлар варианtlари ва уларнинг оқибатлари тўғрисида ахборотларнинг чекланганилиги</li> <li>• Интуиция ва бирлашувга асосланган мақбул танлов</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Плюрализм: мақсадни аниқлашдаги мажаро</li> <li>• Ишончиззлик/ ноаниқлик ҳолатлари</li> <li>• Фикрлар мос келмаслиги, ахборотнинг ноаниқлиги</li> <li>• Гурух аъзолари (коалица) ўртасида мунозаралар ва “келишувлар”</li> </ul>

Ташкилотни бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва улар ижросини таъминлашдир. Қарорлар варианtlаридан бирини танлаш раҳбар салоҳиятига ҳам боғлиқ. Қарор қабул қилувчи шахснинг типологик, ижтимоий психологик хусусиятлари қарор қабул қилиш жараёнида ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан бири – темперамент ҳам ўз таъсирини ўtkазади. Маълумки, сангвиник ва холерик раҳбарлар қарор қабул қилишда шошишади, флегматик ва меланхолик раҳбарлар эса шошилишмайди.

## **4-МАВЗУ. ЁШ РАҲБАР КАДРЛАР ФАОЛИЯТИДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

Қарор қабул қилишда ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиш керак. Бу ҳолатда қарорларни қабул қилиш жараёнининг муаммоларини, салбий ва ижобий томонларига эътибор қаратиш мухим. Ёш раҳбар кадрлар исталган якуний натижада нимага эришиш мумкинлиги ва қандай салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида объектив фикр юритиши керак.


Демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш шароитида ёш раҳбарлар қабул қиласидан қарорларга таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда (7-расм).



**7-расм. Раҳбарнинг самарали қарор қабул қилишига таъсир этувчи омиллар**

Маданий фарқлар ҳам бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир этувчи омил сифатида бошқарув тизимининг маданий (миллий) хусусиятларини акс эттиради. Масалан, мамлакатда ёки ҳудудда бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда турли хил ёндашувларни кўллаш мумкин, бунда индивидуализмга (АҚШ) ёки умуман, миллий колективизм-жамоавийликка (Япония) нисбатан қўллаш мумкин бўлган ёндашувларни ҳисобга олиш муҳим.

*Бошқарув қарорлари қабул қилинадиган ноаниқлик шароитлари кутилаётган натижаларнинг эҳтимоллигини аниqlашда маълум қийинчилклар туғдиради.* Кўпинча бу каби ҳолатга юқори микдордаги турли хил мураккаб ва тадқик этилмаган омиллар сабаб бўлади, чунки бунинг оқибатида ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш мушкул. Динамик характерга эга бўлган илмий, ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларга хос бўлган баъзи қарорларнинг мавхумлиги, тез ўзгариб борадиган муҳитга боғлиқ бўлади. Ёш раҳбар кадрлар қарорлар қабул қилишда бошқарув фаолиятига таъсир этувчи омилларни ҳам ҳисобга олиши керак (8-расм).



8-расм. Ёш раҳбар кадрлар бошқарув фаолиятига таъсир этувчи омиллар

Мавхумлик шароитида раҳбарлар кўпинча иккита ёндашувдан биттасини қўллайди. Ушбу раҳбар муаммони таҳлил этиш ва қарор натижаларига субъектив ёки кутилаётган эҳтимоллик тусини бериш мақсадида тажриба ва қўшимча релевант маълумотдан фойдаланиши мумкин. Иккинчи ёндашув маълумотни қидиришга ёҳуд уни қўлга киритиш учун етарли даражада вақт йўқлиги пайтида қўлланилади. Мисол учун, имтиёзларни бекор қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши нафақат фаол ижтимоий чиқишлиарни юзага келтирди (“тарафдорлар” ва “бетарафлар”), балки салбий иқтисодий жиҳатларни кўрсатиб берди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши оқибатида юзага келган натижаларнинг кутилмаганлиги бир қанча омилларга боғлик бўлади.

**Қарор қабул қилишда маълумот чекловлари.** Юқорида айтиб ўтганимиздек, қарор қабул қилиш учун етарли, мақбул ёки тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз лозим. Маълумот қандай ва қаердан қабул қилинганлигидан қатъий назар, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш меҳнат, вақт ва пул харажатлари билан боғлиқ. Шунинг учун, дастлаб, олинадиган маълумот учун сарфланадиган харажатларни ва қабул қилинаётган қарор натижасини баҳолаш керак.

#### *Фойда ва харажатнинг тафовути:*

- Қабул қилинган қарор амалий ижросининг фойдаси маълумотга ажратилган харажатдан юқорироқ ёки унга мос тушади;
- Маълум бир нуктага қадар сарфланган харажатлар фойдалиdir;
- Фойдалар харажатлардан ошиши шарт.

**Норберт Виннернинг фикрига кўра, ахборот – бу бошқариши обьекти ва бошқариши обьекти табиати тўғрисидаги маълумотларда ноаниқтиқ даражасини камайтиради<sup>28</sup>.**

<sup>28</sup> Бражко Е. И. Управленческие решения: учебное пособие / Е. И. Бражко, Г. В. Серебрякова, Э. А. Смирнов; ГУУ. – 2-е изд. – М.: РИ-ОР, 2008. – 126 с.

**Объектнинг хусусиятларини акс эттириш табиатига оид бўлган барча маълумотларни қуийдаги учта турга бўлиш мумкин:**

**1. Онг ости маълумотлар** – аввалги авлодларнинг тажрибаси, ўкув жараёнида олинган тажриба ва билимлар асосида шаклланади. Тасаввур кучи воситасида ушбу маълумот сифат ёки миқдорий прогнозга (башорат) айланади. Ушбу ёндашув эксперт прогнозида қўлланилади. Натижада сифат (яхшироқ-ёмонроқ, камроқ-кўпроқ ва бошқалар) ёки миқдорий прогноз (режа) олиниши мумкин.

**2. Предмет маълумоти** – объектнинг ҳолатини ёки жараённи таърифлаш йўли билан шаклланади. Асосан сифатий таҳлил ишлатилади.

**3. Расмий статистик маълумот** – бошқарув қарорини ишлаб чиқиш жараёнида объектларни таҳлил қилиш босқичида қўлланилади. Статистик кўрсаткичлар билан ишлашда миқдорий таҳлил ишлатилади. Қарор қабул қилинаётганда айтиб ўтилган маълумотларнинг барчаси ишлатилади.

Шу билан бирга, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиша фойдаланиладиган маълумотларни тизимлаштириш учун бир нечта вариант мавжуд:

- қарор қабул қилиш шартлари табиати бўйича – детерминистик, тасодифий, ноаник;
- қарорларни расмийлаштириш даражаси бўйича – интуитив, объектив, расмий маълумотлар;
- объект тўғрисида хабардорлик ноаниқликдан воз кечиш бўйича;
- ҳаққонийлик даражаси бўйича – ҳақиқий билим (расмий манбалардан маълумотлар), нисбий ҳақиқий билим (тасодифий манбалардан олинган маълумот), ахборотни қасддан бузиш.

Ахборот ресурсларнинг юқори аҳамияти бошқарув қа-  
рорларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида намоён  
бўлади.

**Қарор қабул қилишда вақт чекловлари.** Маълумки, вақт  
ўтиши билан вазият ўзгариши мумкин, танланган қарор ме-  
зонлари аҳамиятсиз бўлиб қолади. Шу сабабли, қабул қилинган  
қарорнинг асос ахбороти ҳамда тахминлари эскириб қолмагунча  
ва амалдаги вазиятни акс эттиргунча қарор қабул қилиниши ва  
амалга оширилиши шарт. Лекин буни амалга ошириш мураккаб,  
чунки қарор қабул қилиш жараёни ва ҳаракат боши оралиғидаги  
вақт узоқ. Вақт омилини ҳисобга олганда, ёш раҳбар кадрлар  
баъзан мантиқий фикрлардан ёки ҳатто ҳиссиёт билан бошқа-  
ришга мажбурдирлар, ҳолбуки оддий шароитларда улар рацио-  
нал таҳлил қилишни афзал кўришади.

Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, баъзан эрта қабул қилинган  
қарор ҳам хавфли бўлиши мумкин. Кўпинча компаниялар бо-  
зордаги рақобатчиларидан ўтиб кетиши учун умид билан янги  
лойиҳаларга миллионлаб доллар сарфлайди, баъзан кечиб, ку-  
тишга қарор қилганлар эса ғалаба қозонишган.

**Қарор қабул қилишда хулқ-автор чекловлари (бехевио-  
рал чекловлар).** Шахс психологиясининг ўзига хос хусусият-  
лари ва характеристи туфайли раҳбарлар муаммонинг аҳамиятини,  
чекловларини ва мұқобилларини турлича баҳолайдилар. Баҳо-  
лашдаги бундай фарқ кўпинча бошқарув қарорларини ишлаб  
чикиш ва қабул қилишда низолар ва келишмовчиликларни кел-  
тириб чиқаради, шунингдек, ҳал қилувчи вариантни танлашда  
таъсир кўрсатиши мумкин. Раҳбарларнинг хайриҳоҳлик ёки  
антипатия ҳисси хизматчига нисбатан қарор қабул қилиш жа-  
раёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, масалан, ходимни  
ишдан бўшатиш масаласида.

**Қарорларнинг ўзаро алоқадорлиги.** Бир соҳада қабул  
қилинган қарор ютуққа, бошқасида эса катта йўқотишга олиб

келиши мумкин. Мисол учун, раҳбарнинг ташкилотни автоматлаштириш бўйича қарори, жумладан, автоматлаштирилган линияларни киритиш, одатда эса иш ўринларининг қисқариши назарда тутилади, натижада ишчилар ишидан озод этилади. Шу билан бирга, раҳбар қўпроқ фойда келтирадиган ечимларни танлаши зарур. Раҳбарлар бошқарув тизимида қандай қарорлар қабул қилиши ва уларнинг ўзаро таъсирини кўриши хокимиятнинг юқори поғонасига кўтарилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Қарор қабул қилишда мураккаблик омили.** Қарорни амалга оширишнинг мураккаблиги қарорнинг амалга оширилишида ташкилотнинг турли соҳаларини қамраб олиш дараҷасига боғлик. Қарорнинг мураккаблиги қамраб олинган соҳаларнинг кенглигига боғлик. Қанча кўп йўналиш ва инсон ресурси амалга ошириш жараёнига жалб қилинса, шунча қарорларнинг амалга оширилиши қийин бўлади ва қимматга айланади.

**Қарорларнинг истиқболи.** Қарорларнинг ҳар қандай варианти нафақат ижобий, балки салбий натижага олиб келиши мумкин. Бироқ, ижобийси устунроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир ва ташкилотнинг ривожланишига туртки бўлиши керак.

**Қарор қабул қилишда молиявий инвестициялар омили.** Инновацион қарорларни қабул қилишда, қоида тариқасида, молиявий инвестициялар талаб қилинади. Улар хусусий ва киритилаётган инвестиция кўринишида бўлиши мумкин. Раҳбар ташки манбаларга қарам бўлиб қолмаслиги учун доимо ўз маблағи даражасини кредит маблағига нисбатан кузатиб ва тахлил қилиб бориши керак.

Қарорларни қабул қилиш жараёнини ташкил этишга таъсир қилувчи омиллар. Бошқарув қарорини ишлаб чиқишини ташкил этишга куйидагилар таъсир этиши мумкин:

- қарорни қабул қилиш ва ишлаб чиқиш зарур бўлган муаммонинг тузилиш даражаси;
- қарор қабул қилувчи шахснинг юклама даражаси;
- қарор қабул қилувчи шахснинг тасарруфидаги ахборотнинг мавжудлиги;
- ахборотни ноаниклик ва расмийлаштириш даражаси;
- қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида инсон, моддий, техник ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги (масалан, шахсий компьютерлар ва тегишли дастурий таъминот мавжудлиги);
- қабул қилинган қарор оқибатининг миқёси;
- қарор қабул қилиш соҳасига кирадиган обьектлар сони ва турлари;
- корхонанинг ташкилий тузилмаси;
- корхонанинг ташкилий маданияти ва уни тайёрлаш жараёнида қарорни мувофиқлаштириш бўйича қабул қилинган тартиб;
- бошқарув қарорини ишлаб чиқувчиларни маҳсус (ўқитиш) тайёрлаш ва таснифлаш.

Юқоридаги барча фикрларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ёш раҳбарлар ўзига хос лидерлик хусусиятларига эга бўлиши билан бир қаторда, раҳбарлик қилаётган ташкилотида қарор қабул қилиш жараёнларида кўрсатиб берилган омил ва шароитларни, яъни ноаниклик шароити, хавфхатар шароити, маълумот чекланганлик шароити, вакт чеклови ва хулк-атвор каби омилларни ҳам ҳисобга олиб, уларни амалда кўлласа, тўғри қарор қабул қилиш билан бир қаторда, қабул қилинган қарор натижасида катта самарага эришиши эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорлари ижросига таъсир кўрсатувчи омилларга ҳам эътибор қаратиши керак (9-расм).

## Бошқарув қарорлари ижросиниң таъминлаш жараёни

Вазифаларни  
тўғри  
таксимлаш

Воситалардан  
самарали  
фойдаланиш

Қарор ижрочи  
масъулларини  
аник белгилаш

Муддатларни  
тўғри  
белгилаш

### 9-расм. Бошқарув қарорлари ижросига таъсир этувчи омиллар

#### Қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи психологик омиллар:

- 1) Фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари (ижодий қобиляятлар, мантиқ, фикрлаш тезлиги, кенг кўламли фикрлаш);
- 2) Мотивация (маълум қарорларни қабул қилишда қизиқиш дарражаси);
- 3) Шахсий хусусиятлар (хавотирилик, ўзини-ўзи баҳолаш даражаси);
- 4) Ишбилармонлик фазилатлари (масъулият, катъиятлилик, мустақиллик, уйғунлик);
- 5) Вазифалар ва қадрияларга асосланган муносабатлар ҳамда аник ҳаракатларга мойиллик;
- 6) Раҳбарнинг ахлоқий тамойиллари (адолат, ҳалоллик, одамларга эътибор).

Баъзан раҳбарлар қарорларни қабул қилишда жамиятнинг ахлоқий тушунчаларига, яъни “адолат”, “масъулият”, “этика”га мос келмайдиган, аммо тадбиркорлик фаолиятига тўғри келиши мумкин бўлган вазиятларда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Мисол тариқасида кичик – кейсни кўриб чиқамиз:

**Кейс.** Худудингизда тамаки ишлаб чиқарувчи корхонанинг раҳбарисиз. Корхонангизнинг иши юришиб, янги тамаки ишлаб чиқариш фабрикаси очиш имкони мавжуд бўлди. Қўшни мамлакат ишбилармонлари сиз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдириб, корхонангиз учун катта фойда келтирадиган шартномани таклиф қилишди. Бир томондан, бу фабриканинг қурилиши худудни янги иш ўринлари билан таъминлайди ва ишсизлик муаммосини ҳал қиласди. Бироқ иккинчи томондан,

тамакининг истеъмол қилиниши саратон касаллигига олиб келади. Сизнинг қарорингиз қандай бўлади? Янги шартномани имзолайсизми ёки йўкми? Нима учун?

Ҳар бир иштирокчи ўз фикрини билдиради.

Ахлокий жиҳатларга асосланган қарорларни қабул қилиш модели бир нечта афзаликларга зга: 1) барча манфаатдор төмөнларни аниклаш; 2) муқобил стратегияларни аниклаш; 3) хар бир иштирокчи учун ҳар бир стратегия доирасида ҳаражатлар ва натижаларни баҳолаш; 4) энг түғри ечимни танлаш, яъни энг кўп иштирокчилар учун катта фойда келтирадиган ечим.

**Камчиликлар:** 1) кисқа муддатли натижаларга қаратилған бўлади; 2) узок муддатли қарорнинг оқибатларини кузатишга имкон бермайди; 3) камчиликнинг манфаатлари инобатга олинмайди.

Иштирокчилар гурӯҳларга бўлиниб берилган кейс асосида қарорлар қабул қилиш жараёнининг асосий ахлоқий жиҳатларини ошкор қилишга ҳаракат қилишади.

## **5-МАВЗУ. ЁШ РАҲБАР ҚАДРЛАРДА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ**

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ташкил этиш – унинг сифатини таъминлашда муҳим омил бўлиб, у асосан ечимни ишлаб чиқишга сарфланган вақт ва воситани аниқлайди.

**Қарор қабул қилувчи шахсни тайинлаш.** Қарор қабул қилувчи шахс бошқарув қарорини ишлаб чиқишга раҳбарлик қиласди. Одатда, ривожланиш масалалари бўйича қарорларни қабул қилиш функциялари, стратегик режалаштириш ва жорий, оператив бошқарув замонавий корхонанинг биринчи ва иккинчи шахслари ўртасида бўлинади. Кўпинча, корхона таъсисчилари нинг хоҳиши-иродасига, шахсий фазилатлари ва тартиб-коидаларига, иш таърифларига қараб, директор (бош директор) жорий фаолиятни назорат киласди. Бу, хусусан, белгиланган тартибда ва молиявий хужжатларни тезкор имзолаш заруратига (фаолиятнинг моҳияти бўйича) боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, унинг биринчи ўринбосари, молия директори ёки бош муҳандиси (бош дизайннер) ривожланиш масалаларини бошқаради, одатда тез қарор қабул қилишга кўпроқ вақт ажратади ёки аксинча.

**Бошқарув қарорини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилувчи шахс** муаммони ҳал қилиш ва уни бартараф этиш вазифаларини аниқлайди, ечимнинг мақсадлари ва уларнинг ютуғи учун мумкин бўлган сценарийлар, бошқарув қарорини тайёрлаш бўйича ишларни, шунингдек, уларни амалга ошириш учун масъул шахслар доирасини тақсимлайди.

Муаммодан ташкил топган муайян топшириқларни ишлаб чиқиш учун раҳбарлар ва функционал бўлимлар (бошқармалар)нинг малакали мутахассисларини жалб қилиш мумкин. Шу билан бирга, вақтинчалик ижодий жамоа, матрицали

ташкилий тузилма, доимий фаолият юритувчи бўлим ташкил этилади (самарадорлик бригадалари, режа бўлими, ривожлантириш бўлими, маркетинг стратегияси бўлими ва бошқалар).

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида, мослашувчан назорат тизимларини лойиҳалашнинг асосий босқичлари, технологик жараёнлар, саноатнинг тавсифлари ва моделлаштириш, хусусан, режалаштириш тажрибалари, симуляция моделлари ва бошқаларни ҳисобга олиш керак.

Қарорларни ривожлантиришни ташкил этишида масъулиятни тақсимлаш. Бошқарув қарорини қабул қилиш ва ижро этиш (ёки ижро этмаслик) натижалари бўйича масъулият муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун бошқарув қарорларни ишлаб чиқиш жараёнидаги раҳбар ҳар бир вариантни қабул қилишда мумкин бўлган жавобгарлик чораларини баҳолаши керак. Раҳбарнинг жавобгарлиги маъмурий қарорни ижро этиш (ёки бажармаслик) корхонага етказилган зиёнлар ёки ташки мухит элементларига зарар етказилишига олиб келиши мумкин.

Ижтимоий ва ахлоқий бошқарувни қўллаш менежментнинг ижтимоий масъулиятини таъминлашга "автоматик равишда" имкон беради, кўплаб менежерлар томонидан турли даражаларда мунтазам равишда олиб бориладиган аниқ ижтимоий-масъулиятли қарорлардан иборат жараён сифатида каралади. Акс баёнот оқланиши мумкин эмас: ижтимоий масъулиятли бошқарув ҳар бир қарорда ижтимоий-ахлоқий деб тан олинмайди<sup>29</sup>.

Бошқарув қарори ҳукукий соҳада қабул қилиниши керак ва жавобгарлик ҳокимият ва ижрочилар ўртасида қонуний ва норматив ҳужжатлар, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши керак. Ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорларини қабул қилишда унинг барча жиҳатларига эътибор қаратиши керак (5-жадвал).

<sup>29</sup> Бирман Л.А. Управленческие решения: [учебное пособие] / Л. А. Бирман; АНХ; Институт бизнеса и делового администрирования. – М.: Дело, 2008. – 207 с.

## 5-жадвал. Ёш раҳбар қадрлар бошқарув қарорларини қабул килишда эътибор қаратиши керак бўлган жиҳатлар

№	Талаблар	Изоҳ
1.	Илмий асосланган бўлиши лозим	Бошқарув қарорлари муайян ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил килишдан келиб чикиши, иқтисодий, техникавий ва бошқа социал қонунларнинг амал қилинишини ҳисобга олиши, ҳозирги замон фан-техника ютуқлари негизида қабул қилиниши, лўнда ва аниқ бўлиши лозим
2.	Бир-бири билан алокадор ва яқдил бўлиши керак	Муайян вазифани ҳал этишда кўпинча асосий масалалардан келиб чиқадиган қўшимча вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Бу вазифалар қарор қабул қилинаётган бош вазифага бўйсундирилиши лозим. Барча қарор, кўрсатма, қоидалар бир-бири билан боғланади. Шунингдек, улар олдин қабул қилинган ва амалдаги қарорлар билан мувофиқлаштирилади.
3.	Хукуқ ва жавобгарлик доирасида бўлиши лозим	Раҳбар қарорни ўзига берилган хукуклар доирасидагина қабул қилиши мумкин. Бу ерда гап бошқаришнинг барча бўғинларида хукуқ ва жавобгарлик кўлами нисбати тўғрисида боряпти. Хукуклар катта, масъулияти эса кам бўлса, маъмурий ўзбошимчаликка, ўйламасдан қарор қабул қилишга йўл очилади.
4.	Аниқ ва тўғри ўйналишга эга бўлиши керак	Ҳар қандай қарор аниқ ва бажарувчига тушунарли бўлиши лозим. Қарордан бир неча маъно келиб чиқишига ва уни турлича талқин қилиш ёки тушунишга йўл кўймаслик керак.

5.	Вақт бўйича қисқа бўлиши керак	Ахборот билан ишлаш вақтини тежаш мақсадида қисқа муддатли қарорлар қабул қилиниши лозим.
6.	Вақт бўйича аниқ бўлиши лозим	Ҳар қандай қарорнинг бажарилиш муддати аниқ кўрсатилиши керак. Акс ҳолда унинг бажарилишини объектив назорат қилиш имкониятига эга бўлинмайди.
7.	Тезкор бўлиши керак	Ҳар қандай қарор ўз вактида, яъни ишлаб чиқаришдаги вазият талаб қилган вақтнинг ўзида қабул қилиниши зарур. Кечикиб ёки шошқалоқлик билан қабул қилинган қарорнинг ҳар иккиси ҳам зарарлидир.
8.	Самарали бўлиши лозим	Қабул қилинган қарорнинг самаралилиги деганда қўйилган мақсадга энг кам харажат билан эришиш тушунилади.

**Қарор қабул қилишни ташкиллаштириш жараёнида иштирокчиларнинг манфаатини хисобга олиш.** Ҳар бир бошқарув қарори аниқ мақсадларга эга, маълум чекланган ресурслардан фойдаланади. Шунинг учун ҳар қандай бошқарув қарорининг бажарилиши ҳокимият мувозанатини, ресурсларни тақсимлаш тартибини, шахснинг ўзини ўзи англаш даражасини ўзгартиради.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ташкилотларда низолар келиб чиқади. Қарама-каршилик самарадорликни пасайтириши, қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилиши, уни амалга ошириш харажатларини кўпайтириши ва рискларни оширишга олиб келади, шунинг учун бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида можароларни башорат

қилиш ва уларни ҳал қилиш чораларини кўриш мухим аҳамиятга эга.

Ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорларини қабул қилишда қуийдагиларга амал қилиши керак: 1) қарорларнинг шаффоғлиги, аниқлиги; 2) қарорнинг бошқарув қадриятларига мувофиқлиги; 3) қарорнинг қонунларга мувофиқлиги; 4) иштирокчи томонларнинг моддий ва маънавий мотивацияси; 5) бошқарув қарорларини қабул қилиш усул ва услубларидан хабардор бўлиши (10-расм).

Ижрочиларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, кўпинча низолардан қочиш ёки уларнинг юзага келиш эҳтимолини келтириб чиқаради.


«Глобаллашув шароитида замонавий раҳбар самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонларини билиши, ўз фаолияти соҳасидаги муаммони ечишга тизимли ёндашиши, тандидий таҳлил, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан янги боскичга кўтариш масалаларига эътибор қаратиши талаб этилади.

Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва баҳолаш, прогнозлаш, иқтисодий асослаш, қарор қабул қилишда мавжуд ноаниқликларни хисобга олингандиги бошқарув қарорларининг самарадорлигини белгиловчи мезонларни тўлик хисобга олганик билан бевосита боғлиқ»<sup>30</sup>.

Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома ёхуд сияр ул-мулук” асарининг “Саройдан юбориладиган олий фармон, буйруқлар ҳамда уларнинг ижро этилиши хусусида”ги фаслда шундай ёзади: “Фармоннинг хурмати ва куч-куввати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунча уни ҳеч ким қўлидан қўйиши керак эмас. Агарда бирор кишининг фармонга салбий муно-

<sup>30</sup> Холов А.Х. Самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонлари BIZNES-ЭКСПЕРТ журнали. 2017 йил 5-сон. 30-34-бетлар.

сабати маълум бўлса, ё унинг ижроси чўзилиб кетганлиги тўғрисидаги хабар етса, ундаи кишига, агар у яқинлардан бўлса ҳам жазо берилади. Подшоҳ амри унга жиддий муносабатда бўлиниши ва албатта **ижро этилиши билан бошқарудан фарқ қиласди**".



## 10-расм. Ёш раҳбар кадрларда самарали қарор қабул қилиш кўнимасини шакллантириш механизми

Ёш раҳбар кадрлар бошқарув қарорлари қабул қилиш жаёнида куйидаги жиҳатларга эътибор қартиши лозим:

**Биринчидан**, раҳбар қарорларни ишлаб чиқиш жараёнига зарур бўлган мутахассисларнинг иши учун талаб қилинадиган захиралар билан таъминлаган, қарор қабул қилиш муддатини белгилаган ҳолда уларнинг ишини назорат қила бориб, қарорлар ишлаб чиқариш жараёнини бошқариши лозим.

**Иккинчидан**, қарор учун вазифани илгари суриш, уни аниқлаштириш ва баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш. Ўта мураккаб ва зиддиятли вазиятда вазифани аниқ белгилаш ва тақсимлаш раҳбарнинг муҳим вазифаси, унинг ишининг асосий ижодий қисмидир.

**Учинчидан**, раҳбар қарор қабул қилишни амалга ошириш босқичида ишларни бошқарган ҳолда қарорнинг бажарилишини ташкил этади.

**Тўртинчидан**, раҳбар қарорни қабул қилиш жараёнида қарорни ишлаб чиқишининг айрим масалалари бўйича мутахассис, эксперт сифатида иштирок этиши лозим. Ҳақиқатан ҳам малакали раҳбар айрим масалаларни (муаммони аниқлаш, мақсадлар белгилаш, турли устувор вазифаларни аниқлаш) тизимли таҳдилчилардан яхшироқ тушуниши мумкин. Раҳбар афзал билган жиҳатлар тизими энг яхши қарорни танлашдаги асосий омилдир. Якуний қарор қабул қилингунга қадар мазкур тизимнинг айрим жиҳатлари билан танишинг.

**Бошқарув қарорини амалга ошириш жараёни босқичлари:** 1) Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш; 2) Ижро-чиларга қарорнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, уларнинг ваколатларини аниқлаш; 3) Ижро назоратини ташкиллаштириш; 4) Фаолият мотивацияси, (зарурият бўлса) рағбатлантириш.

**Бошқарув қарорларини ижроси ташкиллаштириш шакллари:**

**Фармойиш (предписание)** – мансабдор шахсга йўналтирилган қарор мазмуни ва бажарилиш муддати белгиланган расмий хабарнома;

**Сұхбат (деловая беседа)** – ташкилот учун долзарб бўлган ва олдиндан аникланган мавзу бўйича раҳбар томонидан ташкиллаштирилган гурӯҳ билан фикр алмашиш жараёни;

**Ишонтириш (убеждение)** – раҳбар томонидан қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳакида ишончли қарашларни шакллантиришга қаратилган сұхбат;

**Тушунтириш (разъяснение)** – раҳбар томонидан қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган сұхбат;

**Мажбурлаш (принуждение)** – раҳбар томонидан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини куч ёки рағбатлантириш ёрдамида амалга оширишга қаратилган сұхбат;

**Насиҳат (наставление)** – раҳбар томонидан қабул қилинган қарорнинг бажарилиши учун илғор тажрибалар асосида ўргатишга қаратилган сұхбат;

**Маълумот бериш (сообщение)** – қарорни ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча маълумот бериш учун ташкиллаштирилган сұхбат;

**Ўргатмоқ (обучение)** – қарорни ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча билим ва маълумотлар бериш учун ташкиллаштирилган сұхбат;

**Маслаҳат (совет)** – қарорни ижросини таъминлаш мақсадида фикр ва мулоҳазаларни билдиришга қаратилган сұхбат;

**Тренинг** – қарорларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ташкиллаштирилган маҳсус жараён;

**Кенгашиш (совещание)** – раҳбар томонидан жамоа аъзолариға тезкор (оператив) равишда бажарилиши керак бўлган ишлар кўлами бўйича ташкиллаштирилган давра сұхбати;

**Мажлис (заседание)** – ташкилий масалаларни ечишга қаратилган маҳсус ташкиллаштирилган кенгаш;

**Ҳисобот (отчет)** – қарорни амалга ошириш бўйича ба-  
жарилган ишларнинг ҳажми ҳақида маълумот бериш жараёни;

**Кўрсатма** (деловое слово) – раҳбар томонидан қарорни ижросига қаратилган оғзаки кўрсатма.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиша иштирок этаётган шахс юқоридаги айтиб ўтилган омилларга риоя этган холда ижобий қарор қабул қилишга эришади.

## **6-МАВЗУ. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Ҳозирда турли фан соҳаларида бошқарув қарорларини қабул қилиш муаммоси ўрганилмоқда. Кўпгина тадқиқотлар иқтисодий ва техник фанлар доирасида олиб борилади. Шунингдек, бошқарув қарорлари мавзуси психология, социология, фалсафа, хукуқшунослик, педагогикада ҳам ўрганилмоқда. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари: акмеология (Соловьев И.О., Степанов В.Н., Михайлов Г.С., Тарасенко А.В., Тимошков А.В., Косов Р.Н., Кирнарская С.В.), этнопсихология (Спиридовон Ю.В.), юриспруденция (Сорокин В.А.), муҳандислик-психологияси (Маркова Е.А.) йўналишларида ҳам тадқиқ этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги гапларини келтириб ўтиш жоиздир: «Асосий вазифамиз – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг таркибини шакллантиришдан иборат»<sup>31</sup>

Бироқ дунёда кечаётган глобаллашув, ноаниклик шароитида ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг ижтимоий-психологик жиҳатлари комплекс ўрганишга зарурият пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга, ёш раҳбарларнинг қарор қабул қилиш қобилияtlари ва кўнималарига бўлган талабларни аниқлаш муҳим вазифадир. Бугунги кунда дунёда кечаётган пандемия шароитида ёш раҳбарларнинг

<sup>31</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: «Ўзбекистон». 2016. 26-б.

бошқарув фаолиятига ва хусусан қарорларни қабул қилишга ижтимоий-психологик тайёргарлиги кескин муаммо ҳисобланади.

Раҳбарнинг барча бошқарув функциялари муқаррар равишда қарор қабул қилиш босқичини ўз ичига олади. Бу режалаштириш, ташкил этиш, мувофикалашириш, мотивация ва назоратга тегишли бўлиб, мақсадлар, ечимларни ишлаб чиқиш усулларини танлашда, муқобил варианtlарни шакллантиришда, қарорнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашда ва унинг бажарилишини назорат қилиш ва х.

Мақбул қарорлар қабул қилиш замонавий раҳбарлардан маълумот билан тўғри ишлашга, муаммони барча манфаатдор томонларнинг нуқтаи назаридан кўриб чиқишига, танқидни қабул қилишга ва ташкилий иерархия нуқтаи назаридан юқорида тургандарга ўз фикрини илгари суро олиш ва тасдиқлаш, қарорни амалга ошириш учун жавобгарликни тўғри тақсимлаш, бўйсинувчиларнинг ишини кадрлашни ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Замонавий меҳнат бозорида малакали бошқарув кадрларига эҳтиёж катта. Бирок, истиқболли раҳбар кадрларнинг муаммоларидан бири бошқарув фаолияти бўйича қарорларни қабул қилиш тажрибасининг йўклиги. Бундай вазиятда уларнинг бошқарув салоҳиятини аниқлаш керак бўлади. Шунинг учун баҳолаш мезони нафақат шахснинг индивидуал хусусиятларини, балки бошқарув фаолиятининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак. Бу каби мезонлар орқали раҳбар кадрларнинг барча қўрсаткичлари орқали бошқарув қарорларини қабул қилишга тайёрлиги баҳоланиши мумкин. Шунинг учун ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишига тайёрлигини психодиагностика қилиш, уларнинг истиқболли раҳбар сифатида бошқарув қарорларини қабул қилишига ижтимоий-

психологик тайёргарлигини ўрганиш борасида комплекс тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бориш учун куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

– бошқарув фазилатларини баҳолаш орқали истиқболли ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишга ижтимоий-психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш;

– истиқболли раҳбар кадрларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишга ижтимоий-психологик тайёргарлигининг мотивацияни, ахлоқий-иродавий, баҳоловчи, операцион ва индивидуал таркибий қисмларининг комбинациясини қай даражада ифода этишига қараб белгилаш;

– бошқарув қарорларини қабул қилишга ижтимоий-психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш таркибий қисмларнинг умумийлигини ташхислайдиган маҳсус технология ишлаб чиқиши;

Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини, методологик ва назарий асосларини ўрганишда ижтимоий психология, ижтимоий бошқарув, бошқарув қарорларини қабул қилишнинг назарий ва методологик асослари, касбий фаолиятга тайёrlаниш назарияси, бошқарув қарорларини қабул қилиш муаммосининг назарий ва методологик жиҳатларига (А.Г. Венделин, Л.Г. Евланов, А.В. Карпов, А.И. Китов, Ю. Козелецкий, Ю.А. Тихомиров ва бошқалар) алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда юзага келадиган ижтимоий-психологик жиҳатлар ва ҳодисалар (И.П. Волков, Ю.Н. Емельянов, А.Л. Журавлев, Е.С. Кузьмин, В.И. Михеев, А.Л. Свенцицкий, С.Н. Тидор, А.В. Филиппов, I.L. Janis ва бошқалар); қарор қабул қилишда раҳбарнинг хулқ-атвори (С. Кови, Ю.Д. Красовский, J.C. Maxwell ва бошқалар); касбий фаолиятга доир қарорларни

қабул қилиш усуллари ва техникасини тайёрлаш муаммосини (Б.Г. Литвак, А.П. Панфилова, W.Pace, D.F.Faules ва бошқалар) ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ<sup>32</sup>.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни унинг субъектив характери ва маълум бир ижтимоий-психологик муносабатлар тизимидан иборат. Бошқарув қарори – бу ташкilotning иерархиясида тегишли ваколатларга эга бўлган ва ички, шахслараро ва объектив ташки аниқловчилар таъсирини енгиб ўтадиган раҳбар томонидан амалга ошириладиган қарор бўлиб, унинг хилма-хиллиги ташкилот мақсадларига эришишга олиб келади.

Бошқарув қарорларини қабул қилишга ижтимоий-психологик тайёрлик даражаси бўлажак раҳбарнинг бошқарув фаолиятига умумий тайёрлигининг асосий кўрсаткичидир. Бошқарув қарорларини қабул қилишга ижтимоий-психологик тайёрлик истиқболли раҳбарнинг хислатлари тўпламининг намоён бўлиши, яъни унинг самарали ўзаро муносабатлар тамойилларига риоя қилинишини таъминлайдиган ва мотивацион, қадриятларни ўзида ифодаловчи компонентлардан иборат бўлади (6-жадвал).

Ижтимоий-психологик тайёрлик кўрсаткичлари бўлажак раҳбарга қарор қабул қилишда кўнималарини шакллантиради. Ёш раҳбар калрларнинг қарорларни қабул қилиш жараёнида бошқа иштирокчилар билан самарали ўзаро муносабатларга йўналтирилиши билан боғлиқ бўлган қадриятлар, қарорни шахсий амбицияларга эмас, балки ишнинг ташкилот манфаатларига йўналтирилганлиги билан баҳоланади.

<sup>32</sup> Исследование социально-психологической готовности студентов-будущих руководителей к принятию управленческих решений <https://www.dissercat.com/content/issledovanie-sotsialno-psichologicheskoi-gotovnosti-studentov-budushchikh-rukovoditelei-k-pr>

## 6-жадвал. Раҳбарнинг қарор қабул қилишда шахсий ўсиши

ҚАРОР ШАКЛИ	ЗАРУР МАЛАКАЛАР
Биринчи даража: одатий, кундалик	Йўриқнома ва қоидаларга сўзсиз амал қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш. Назоратни ташкил этиш. Мотивация.
Иккинчи даража: танловга асосланган	Мақсад кўйиш. Режалаштириш. Маълумотларни тахлил этиш.
Учинчи даража: мослашувчан	Муаммони идентификациялаш. Муаммони тизимли равишда ечиш. Ишчи гурӯхларни ташкил этиш. Мавжуд хавфларни тахлил этиш.
Тўртгинчи даража: инновацион	Ижодий бошқариш. Стратегик режалаштириш.

Истиқболли раҳбар кадр сифатида ёшлар куйидаги инди-видуал-шахсий ва ижтимоий-психологик хусусиятларни ўзла-рида намоён этиши керак:

- муваффакиятга юқори мотивация, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга бўлган ишонч;
- жамоани бошқара олиш, ўзига хос муқобил ечимларни таклиф эта олиш;
- қарорларни қабул қилиш усулларини танлашда етарлича мослашувчанлик;
- қарор қабул қилишда ахборот билан ишлаш ва маълу-мотларни тахлил қила олиш.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ижтимоий-психологик тайёргарликни ўрганиш ва баҳолаш технология-сининг ишлаб чиқишида куйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- бошқарув қарорларининг муҳим хусусиятларини ҳисобга олиш;
- баҳоланган шахсга нисбатан холис муносабат ва баҳолаш жараёнида иштирок этиш учун тенг шароитлар яратиш;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ижтимоий-психологик тайёргарликни ташкил этувчи тегишли фазилатлар, күнікма ва күнікмаларни баҳолашга қаратылған турли хил усуллар – психологик тестлар, гурух вазифалари, индивидуал вазиятларни ўрганиш ишлари, анкеталар, акс эттириш комбинациясидан фойдаланиш;

– технологияни бир неча босқичда амалга ошириш, тестлардан фойдаланған ҳолда иштирокчиларнинг фазилатлари тұғрисида маълумот алмашиш, индивидуал бошқарув қарорларини қабул қилишга тайёрлиги ва қарорларни қабул қилиш жараёнида гурухларнинг ўзаро муносабатлари муваффакияти тұғрисида маълумот олиш;

– ўзига хос акс эттиришни, ўзаро таъсир натижалари бўйича эксперт хулосасини олиш;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни олган комплекс баҳолаш.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ижтимоий-психологик тайёргарликни ўрганиш ва баҳолаш технологияси уч босқичдан иборат:

биринчи босқичда ўрганилаётган иштирокчиларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш субъекти сифатидаги шахсий фазилатларини тавсифловчи тестлар мажмусаси (тест натижалари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни кўриб чиқиши) орқали баҳоланади;

иккинчи босқичда индивидуал равишда бошқарув қарорлари қабул қилиш салоҳияти эксперт кузатуви асосида баҳоланади;

учинчи босқичда гурухий қарорлар қабул қилиш (ишончни ҳисобга олган ҳолда умумий хулоса, қарорни амалга ошириш жараёнини бошқариш, фаоллик, мутахассислар билан мулоқот қилиши, ҳамкорлик мұхитини яратиш)га тайёрлигини ўрганишга қаратылған кейс-стади усули орқали баҳоланади<sup>33</sup>.

<sup>33</sup> Исследование социально-психологической готовности студентов – будущих руководителей к принятию управленческих решений <https://www.dissertcat.com/content/issledovanie-sotsialno-psichologicheskoi-gotovnosti-studentov-budushchikh-rukovoditelei-k-pr>

## ХУЛОСА

Бугунги кунда замонавий ташкилот бошқаруви ортиб бораётган рақобат, глобал пандемия шароитида амалга оширилмокда. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида ёш раҳбар кадрлар томонидан кўплаб тадбирларни амалга оширишда турли муаммолар, ноаниқликлар, вақт етишмовчилиги ҳамда бошка ресурслар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги долзарб аҳамиятга айланди.

Бу борада бугунги кунда Ўзбекистонда давлат раҳбари Ш.Мирзиёев бошчилигига республика ва худудий, маҳаллий даражадаги раҳбарлар томонидан ҳам бошқарувни амалга ошириш ҳамда ишни самарали ташкил этиш, қарорларни түғри белгилаш бўйича кўплаб тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: “Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат”<sup>34</sup>, – деган фикрларини келтириш ўринлидир.

Ҳозирги вақтда бошқарувнинг қуи бўғинида турли хил масалалар бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинади, аммо уларнинг маҳсулдорлиги жуда қониқарсизdir. Масалан, йирик ташкилот ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида, турли бўлимлар орасидаги ўзаро муносабатлар масаласида қарор қабул қилишда сезиларли қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу вазиятларда ёш раҳбар кадрларда билим ва тажриба етишмаслиги, бошқарув кўникмаларига эга эмаслиги кўзатилади.

Ёш раҳбар кадрлар ўз бошқарув фаолиятларида энг асосий вазифалардан бири самарали қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлиш ҳисобланади. Ушбу ўкув қўлланмада ёш раҳбарлар

<sup>34</sup> Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. 7-б.

фаолиятида самарали қарор қабул қилишнинг назарий тушунчалари келтирилган. Яъни, ёш раҳбар аниқ ва мавхум вазиятларда қарор қабул қилишга таъсир этувчи омиллардан (ахборот, вақт, турли хил чекловлар) оқилона фойдаланган холда, кам миқдордаги йўқотишлар билан қарор қабул қилиши керак. Шунингдек, маълум бир бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида ёш раҳбар, авваламбор, ўз қўли остидаги ходимларининг ҳақ-хукукларини инобатга олиб, уларнинг ҳимоясини таъминлаб бериши ҳамда меҳнат жамоасидаги соғлом мухитни сақлаб, жамоанинг ҳар бир аъзоси иштиёки ва фаоллиги юксалишига замин яратиши зарур.

Йирик корпорацияларнинг асосчиларидан бири, машҳур бизнесмен ва банкир, “Сити груп” асосчиси Уолтер Ристон таъбири билан айтганда: *“Ҳар бир тўғри қабул қилинган қарор – бу тажриба мевасидир. Тажриба эса, нотўғри қарорларнинг фарзанди”*<sup>35</sup>. Шундай экан, ёш раҳбар қарор қабул қилишда қўркувдан воз кечиб, баъзан ҳатога йўл қўйиб бўлса ҳам, керакли кўнікмалар ва тажриба орттироғи керакки, келажакда қабул қилинган қарорларнинг самараси албатта кўринади ва мамлакат тараккиётида ўз изини қолдиради.

Бошқарув қарорини қабул қилиш ҳар бир ёш раҳбар кадрнинг асосий вазифаси ва унинг масъулияти бўлиб, у қандай даражага эга бўлишидан катъи назар бошқарув қарорини амалга оширишнинг асосий вазифаси турли мақсадларга эришиш учун мос вариантни топишидир. Ушбу омилларнинг ҳар бири бошқарув қарорларининг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хозирги пайтда бошқарув қарорларининг сифати, асосан, унинг иштирокчилари сони, мақсадлари ва манфаатлари билан белгиланади. Коллектив (гурух) ечим индивидуал ечимга нисбатан бир нечта афзалликларга эга. Маълум бир муаммога турли мутахассисларни жалб қилиш орқали қарорларни қабул қилиш жараёнини янада тўлиқ қўллаб-кувватлаш мухимдир.

<sup>35</sup> Дмитрий Жуков. СМЫСЛИ. Домашняя настольная книга. Том II О Сост. Дмитрий Жуков. 2017.ООО «Литео». 2018.

Гурухларнинг иштирокчилари бир-бирининг билимларини тўлдирадилар, бу муаммони батафсил ўрганиш ва сифатли бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга имкон беради.

